

# Диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг ҳуқуқ субъектиликка доир раҳбарий принциплар

network of  
ies, have contacts and

framework the participating States will recognize and respect the  
profess and practice, alone or in community with others, religion o  
with the dictates of his own conscience.

ct for human rights and fundamental freedoms, including the freedom o  
nsience, religion or belief

participating States will respect human rights and fundamental freedoms, incl  
thought, conscience, religion or belief, for all without distinction as to  
religion.

omote and encourage the effective exercise of civil, political, economic,  
her rights and freedoms all of which derive from the inherent dignit  
and are essential for his free and full development.



Европада Хавфсизлик  
ва Ҳамкорлик Ташкилоти  
Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори

Диний жамоатлар ва  
муайян эътиқодларга амал  
қиладиган жамоатларнинг  
ҳуқуқ субъектиликка доир  
раҳбарий принциплар



Европада Хавфсизлик  
ва Ҳамкорлик Ташкилоти  
Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори

Диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг ҳуқуқ субъектиликка доир раҳбарий принциплар // Маъсул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи Акмал Саидов; Таржимон Ғулом Мирзо. – Варшава: Poligrfaus Jacek Adamiak, 2019. – 71 бет.

Маъсул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи:  
Акмал САИДОВ,  
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси  
Миллий маркази директори,  
академик

Таржимон:  
Ғулом МИРЗО,  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Ушбу қўлланмадан ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси, Венеция комиссияси каби нуфузли ҳақаро ташкилотларнинг жаҳон ҳамжамиятида дин ва эътиқодлар эркинлигини таъминлашга қаратилган Диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг ҳуқуқ субъектиликка доир раҳбарий принциплар жой олган, уларнинг ўзбекча маъни илк бор нашр этилмоқда.

Қўлланма давлат хизматчилари, фуқоролик жамияти институтлари фаоллари ва кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

Мазкур қўлланма илк маротаба 2015 йилда *Guidelines on the Legal Personality of Religious or Belief Communities* сифатида ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ) томонидан инглиз тилида нашр қилинган.

Ўзбек тилидаги маънн норасмий таржима бўлиб ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори кўмагида тайёрланган ва чоп этилган. Ҳужжатдаги фикр ва маълумотлар ДИИХБ сиёсати ва ёндашувини ифода этиши шарт эмас.

© Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2019.  
© ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси, 2015.

# Мундарижа

<b>Ўзбекистон – дин ва эътиқод эркинликларининг янги даврида (Сўзбоши ўрнида) . . . . .</b>	<b>4</b>
<b>Диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг ҳуқуқ субъектиликка доир раҳбарий тамойиллар . . . . .</b>	<b>14</b>
кириш . . . . .	15
Қисқартмалар . . . . .	17
I қисм. Дин ёки эътиқод эркинлиги ва умумий олатда йўл қўйиладиган чекловлар . . . . .	18
II қисм. Бошқалар билан амжи атликда дин ёки эътиқодга риоя этиш эркинлиги . . . . .	26
III қисм. Диний ташкилотлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган ташкилотлар. . . . .	30
IV қисм. Диний жамоатлар (ташкилотлар) ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатлар (ташкилотлар) учун имтиёзлар . . . . .	54
Илова:	
ЕХҲТнинг дин ёки эътиқод эркинлиги соҳасидаги мумтоз мажбуриятлари . . . . .	61
ДИИХБ ҳақида . . . . .	66
Экспертлик салоҳияти . . . . .	67
Венеция комиссияси тўғрисида . . . . .	68

Ўзбекистон – дин ва эътиқод  
эркинликларининг янги даврида  
(Сўзбоши ўрнида)

Ҳозирги даврда шаклланган инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуққа кўра давлатлар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишга ҳамда уларнинг ҳамма учун бирдек, бирон-бир камситишларсиз, амал қилишини таъминлашга масъул ҳисобланади. Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда акс этган нормалар давлатларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида ўз миллий қонунчилигини ишлаб чиқиши ва қабул қилишида намуна вазифасини ўтайди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 18-моддасида **“Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга”**, деб қайд этилган. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 18-моддасида таъкидланганидек, **“Ушбу ҳуқуқ ўз ихтиёри билан ўзига маъқул динни қабул қилиш ва эътиқод қилиш эркини, якка ҳолда, шунингдек бошқалар билан биргаликда, ошқора ёки хусусий тартибда сиғинишга бориш, диний ва бошқа урф-одатларни ва маросимни бажариш эркини ҳам ўз ичига олади”**<sup>2</sup>.

БМТнинг асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ирқий, жинсий, лисоний, миллий, диний мансублиги ёхуд соғлиги ҳолатидан қатъи назар барча учун ривожлантириш, инсон қадр-қиммати ва ҳурматини таъминлаш ҳамда бу йўлдаги муросасизлик кўринишларига қарши курашишга доир вазифа ва мажбуриятлар баён этилган. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар жаҳон ҳамжамиятининг ҳар бир аъзосини инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини қарор топтириш, демократия ва ҳуқуқ тантанаси учун бағрикенглик билан саъй-ҳаракат қилишга даъват этади.

ЮНЕСКО томонидан 1995 йил 16 ноябрда эълон қилинган **Бағрикенглик тамойиллари декларациясида** баён этилганидек, **“Бағрикенгликни намоён қилиш инсон ҳуқуқларига эҳтиром билан ҳамоҳанг, у ижтимоий адолатсизликка нисбатан сабр-тоқатли муносабатда бўлишни, ўз иймон-эътиқодидан воз кечиш ёхуд бошқаларнинг эътиқодига ён беришни англатмайди. У шуни англатадики, ҳар ким ўз эътиқодига амал қилишда эркиндир ва ҳар ким бу ҳуқуққа бошқалар ҳам эга эканлигини тан олмоғи лозим”**<sup>3</sup>.

1 Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси // Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Инсон ҳуқуқлари бўйича универсал шартномалар / Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. – Т.: “Адолат”, 2002. – 51-бет.

2 Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт // Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Инсон ҳуқуқлари бўйича универсал шартномалар / Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. – Т.: “Адолат”, 2002. – 61-бет.

3 Бағрикенглик тамойиллари декларацияси// ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари: тўплам / Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. – Т.: “Адолат”, 2004. – 91-бет.

Ушбу халқаро-ҳуқуқий андозалар 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг асосида кейинги йилларда ишлаб чиқилган миллий қонунларга имплементация қилинган. Бу ҳам Ўзбекистоннинг ўз халқаро мажбуриятларини изчиллик ва қатъият билан амалда татбиқ этаётганининг яна бир ўзига хос тасдиғидир.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистон ўзини дунёвий давлат дея эълон қилди ва Конституция орқали буни мустаҳкамлади. Дунёвийлик тушунчаси замирида диний ташкилотларни сиёсий ташкилотлардан ажратиш ва динийликни барча учун асос қилиб олмаслик тамойили мужассамдир. Шу билан бирга, давлат диндорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини кафолатлаш мажбуриятини ҳам ўз зиммасига олади.

Асосий Қонунимизнинг 31-моддасига кўра, **“Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”**<sup>4</sup>. Мамлакатимизда мазкур конституциявий норма негизда **«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»**ги Қонун<sup>5</sup> қабул қилинган.

Ўзбекистон Конституцияси ва миллий қонунчиликда кафолатланган виждон ва эътиқод эркинлиги барча фуқароларнинг диний эҳтиёжларини қондириш учун зарур шароитларни яратди. Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири – бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва фуқаровий ўзаро аҳилликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдир.

Маълумки, Ўзбекистон замини ислом илм-фани ва маданиятининг қадимий бешикларидан бири ҳисобланади. Халқимизнинг бой тарихий, илмий, маънавий меросини ҳар томонлама ўрганиш, жаҳон афкор оммасига кенг таништириш, энг муҳими, ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериш мақсадида кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бир қатор ташаббусларни илгари сурди. Ушбу ташаббусларнинг замирида **“Жаҳолатга қарши – маърифат”** шиори ўз мужассамини топган.

Давлат раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва 2017 йил 7 февралда тасдиқланган **«2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар**

4 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т. “Ўзбекистон”, 2017. – 13-бет.

5 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 99-модда.

**стратегияси»<sup>6</sup>** доирасида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан дин ва эътиқодэркинлигини таъминлаш борасида самарадор ислохотлар изчил амалга оширилмоқда.

**Биринчидан**, диндорларнинг муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиши борасида уларга зарур шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган ишлар натижадорлиги ошди. Хусусан, 1991 йилда 350 киши Ҳаж зиёратини амалга оширган бўлса, 2018 йилда уларнинг сони 7 минг 350 нафарга етиб, дастлабки кўрсаткичдан 21 баробарга ортди<sup>7</sup>. Умра сафари билан боғлиқ барча ташкилий чекловлар олиб ташланди.

**Иккинчидан**, мамлакатимиз ҳудудида яшовчи насроний ва яҳудийлар ўзлари учун муқаддас бўлган қадамжоларни зиёрат қилишлари борасида ҳам бир қатор қулайликлар яратилди. Ўтган давр мобайнида икки мингдан ортиқ диндорлар Россия, Греция ва Исроил давлатларида жойлашган шундай зиёрат масканларига сафар уюштиришди.

**Учинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг Конфессиялар ишлари бўйича кенгаши аъзолари сони 9 дан 17 нафарга кенгайтирилиб, мамлакатимизда рўйхатдан ўтган барча конфессия вакиллари қамраб олди. Хусусан, Конфессиялар ишлари бўйича кенгашининг янги аъзолари сифатида, кам сонли бўлишига қарамай, “Ўзбекистон Инжил жамияти”, “Еттинчи кун насроний адвентистлар”, “Кришнани англаш”, “Иегова гувоҳлари” каби ташкилот вакиллари қайд этилди.

Мазкур Кенгашнинг асосий вазифаси диний-ижтимоий масалалар борасида фикр алмашиш ва зарур тавсияларни Дин ишлари бўйича қўмитага тақдим этишдан иборат. Бу эса мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча дин вакиллари мулоҳазалари ҳукуматнинг эътибор марказидалигидан далолат беради.

**Тўртинчидан**, жамиятда экстремистик ғояларнинг таъсирини камайтириш мақсадида давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида турли профилактик тадбирлар ўтказилмоқда. Биргина 2018 йилнинг ўзида 40 мингга яқин тадбир ташкил этилиб, унда 2,5 миллиондан ортиқ аҳоли қамраб олинди.

6 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республик-касини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

7 Т.Аҳмедов. Динлар бир-бирига қарши эмас ва терроризмни фақат динга боғлаш нотўғри / <http://uza.uz/09.04.2019>.



**Бешинчидан**, кейинги икки-уч йил оралиғида диний экстремистик гуруҳларга алоқаси бор, деб назоратга олинган 20 мингдан зиёд фуқаро “махсус ҳисоблар”дан чиқарилди. Мазкур шахсларнинг жиноят йўлига қайта кирмаслиги, соғлом ҳаёт кечириши масалаларига ва уларнинг ижтимоий мослашувиغا катта эътибор қаратилмоқда<sup>8</sup>.

**Олтинчидан**, мамлакатда 2017 йилнинг ўзида **Имом Термизий ва Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислом цивилизацияси маркази ва Ўзбекистон халқаро ислом академияси** ташкил этилди.

**Еттинчидан**, давлат раҳбарининг 2017 йил 15 июнь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «**Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби**» мавзусидаги анжуманда<sup>9</sup> билдирган таклифларига кўра вилоятларда калом, ҳадис, фикҳ, ақида ва тасаввуф илмларини ўрганишга ихтисослаштирилган 5 та илмий мактаб очилди. Ушбу маърифат марказлари эндиликда бой илмий-тарихий меросимизни ўрганиш ва тарғиб қилишга хизмат қилмоқда. Шу йўл орқали аҳолининг диний радикаллашувининг олди олиниб, ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини қарор топтириш кўзда тутилган.

Хусусан, 2017 йил 8 ноябрда Самарқанд вилоятида **Калом илми мактаби**, 10 ноябрь куни Қашқадарё вилоятида **Ақида илми мактаби** ва Бухородаги Мир Араб олий мадрасаси ҳузурида Баҳоуддин Нақшбанд **Тасаввуф илми мактаби** ҳамда 13 ноябрь куни Фарғона вилоятида Ислом ҳуқуқи мактаби, 2018 йил 16 апрелда Самарқанд вилоятида **Ҳадис илми мактаби**<sup>10</sup> иш бошлади. Бу илмий мактабларнинг фаолиятдан кўзланган асосий мақсад ислом динини чуқур ўрганиш ва унинг маърифатпарвар ғояларини кенг жамоатчиликка, шу жумладан, оддий фуқароларга содда тилда етказишдир.

8 Т.Аҳмедов. Динлар бир-бирига қарши эмас ва терроризмни фақат динга боғлаш нотўғри / <http://uza.uz/09.04.2019>.

9 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи / <http://uza.uz/15.06.2017>.

10 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳадис илми мактаби фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – [lex.uz/docs/4033921](http://lex.uz/docs/4033921).

**Саккизинчидан**, 2018 йил 16 апрелда Ўзбекистон Президентининг «**Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**» ги фармони<sup>11</sup> қабул қилинди.

**Тўққизинчидан**, Ўзбекистон ислом академияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети негизида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳамда Ўзбекистон муслмонлари идораси ҳузурида «**Вақф**» хайрия жамоат фонди ташкил этилди.

**Ўнинчидан**, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 майдаги қарори билан «**Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низом**» тасдиқланди<sup>12</sup>. Низомда диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун олинадиган давлат божининг миқдори 5 бараварга қисқартирилган, диний ташкилотларнинг рўйхатга олувчи органларга фақатгина бир йилда бир мартаба ҳисобот бериши тартиби белгиланган.

Бундан ташқари, Ҳукуматнинг юқоридаги қарори билан рўйхатга олувчи органнинг диний ташкилотни тугатиш бўйича ваколоти бекор қилинди. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси тайёрланган.

**Ўн биринчидан**, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 январда қабул қилинган «Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига 2019 йил 19 апрелда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди<sup>13</sup>. Хусусан, Ўзбекистон ҳудудида муомалада бўлиши тақиқланган диний мазмундаги материалларнинг рўйхати бундан буён Дин ишлари бўйича қўмита томонидан ҳар йили, камида икки марта тузилади.

Шу билан бирга, диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ёки тарқатиш учун Дин ишлари бўйича қўмитага тақдим этиладиган ҳужжатларнинг рўйхати қайта кўриб чиқилди. Энди бундай материалларни тайёрлаш учун ҳам, уларни олиб кириш ёки тарқатиш учун ҳам рўйхатдан ўтганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси талаб этилмайди.

11 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – [lex.uz/docs/3686277](http://lex.uz/docs/3686277).

12 Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.06.2018 й., 09/18/409/1296-сон.

13 Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2019 й., 09/19/335/2971-сон.

**Ўн иккинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги диний таълим масаласида Норвегия, Дания, Нидерландия, Италия, Финляндия, Греция, Бельгия ва АҚШ тажрибасини ўрганиб чиққан. Виждон ва эътиқод эркинлигини таъминлаш соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсати масалаларини тушунтириб берувчи босма ва видеоматериалларни тайёрлаш борасида ишлар олиб борилган. Хусусан, 11-синф ўқувчилари учун мўлжалланган “Дунё динлари тарихи” дарслиги тайёрланди.

Диний-маърифий соҳада эришилаётган бу каби ютуқлар, бир томондан, халқимизни мамнун қилаётган бўлса, иккинчи томондан, халқаро миқёсда кенг эътироф этилмоқда. Дунё аҳолисининг 83 фоизи эътиқод эркинлиги чекланаётган ёки хавф остида қолган мамлакатларда истиқомат қилаётган ҳозирги қалтис замонда давлатимиз раҳбарининг маърифатли ислом ғояларини тарғиб қилиш борасидаги ташаббуслари жаҳон ҳамжамияти томонидан қизғин кутиб олинмоқда.

Хусусан, **2018 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “Маърифат ва диний бағрикенглик” номли махсус резолюция қабул қилинди**<sup>14</sup>. Натижада АҚШ Давлат департаменти диний эркинлик соҳасида “алоҳида ташвишлантирувчи” мамлакатлар рўйхатидан Ўзбекистонни чиқарди.

Ушбу резолюция Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 12 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 72-сессияси минбаридан илгари сурган халқаро ташаббуслардан биридир. Бу ҳужжатнинг асосий мақсади – барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат.

Резолюцияда маърифатпарварлик ғоясини илгари суриш қайд этилиб, сайёрамизда хавфсизлик ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги интеграция, ўзаро ҳурмат, инсон ҳуқуқлари ҳимояси, муроса ва ўзаро англашувнинг нечоғли муҳимлиги эътироф этилади. Ҳужжатда динлар, маданиятлар ва конфессиялараро муносабатлардаги уйғунликни рағбатлантириш ҳамда айрим шахсларга нисбатан дин ва эътиқод замиридаги камситишларга йўл қўйилишига қарши курашишга қаратилган барча халқаро, минтақавий ва миллий ташаббуслар қўллаб-қувватланиши, шунингдек, барча аъзо давлатларнинг фикр, виждон, дин ёки эътиқод эркинлигини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришга доир саяҳат-ҳаракатларини фаоллаштириш кўрсатиб ўтилган.

<sup>14</sup> Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг А/RES/73/128-рақамли “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси // БМТ Бош Ассамблеясининг 73-сессиясида қабул қилинган. 2018 йил 10 декабрь.

Бу борада 2018 йил 24-26 июль кунлари АҚШ пойтахти – Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтган **Диний эркинликларни таъминлаш бўйича вазирлар конференцияси** муҳим аҳамиятга эгадир. Мазкур тадбир Америка кенг жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситаларининг алоҳида эътиборида бўлди. Чунки, биринчидан, бу мавзудаги нуфузли анжуман АҚШ тарихида илк бор ташкил этилган бўлса, **иккинчидан**, унда дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатидан қарийб 600 нафар вакил – ташқи ишлар вазирлари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, диний раҳнамолар ва фуқаролик жамияти фаоллари қатнашди.

**АҚШ Давлат котиби Майкл Помпеонинг** таклифига биноан ташкил этилган конференцияда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси ҳам иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси делегацияси раҳбари анжуман иштирокчиларига Президент Ш.М.Мирзиёевнинг: **“Айнан таълим ва маърифат башарият фаровонлигининг асосий омилларидан ҳисобланади, инсонларни эзгуликка даъват этади, саховатли, сабр-қаноатли бўлишга ундайди”**<sup>15</sup>, деган даъватининг туб моҳияти ва бу борадаги ташаббусларининг аҳамияти ҳақида атрофлича сўзлаб берди.

Вашингтон конференцияси иштирокчилари Ўзбекистон Президентининг бу борада қабул қилган муҳим қарорлари Президент Дональд Трампнинг Ар-Риёдда Экстремистик идеологияга қарши кураш бўйича Глобал марказ таъсис этиш тўғрисидаги ғояси билан ҳамоҳанг эканини эътироф этдилар. Энг муҳими, Ўзбекистон раҳбариятининг жамиятни модернизациялаш ва эркинлаштириш жараёнини изчил давом эттириш масаласига қатъий ёндашаётгани ва бу борада таъсирчан ҳамда самарадор чора-тадбирларни амалга ошираётгани туфайли мамлакатимиз Вашингтон анжуманида юксак баҳо олган ягона давлат бўлди.

АҚШ Давлат котиби М.Помпео конференцияни очар экан, қачонки диний эркинлик равнақ топса – мамлакат равнақ топишини қайд этиб, бунга Ўзбекистонни ёрқин мисол сифатида келтирди. **“Биз Ўзбекистоннинг янада эркин жамият барпо этиш йўлидаги одимларини қутлаймиз. Ишончимиз комилки, диний эркинлик тўғрисидаги фармон мамлакатга, унинг жамоатчилигига, умуман, минтақага илгари кузатилмаган даражада изчил ижобий самаралар келтиради”**, деди АҚШ Давлат котиби.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари 2018 йил 25 июль куни Вашингтондаги Миллий матбуот клубида **“Ўзбекистонда диний эркинликларнинг янги даври”** мавзусида махсус брифинг ўтказди. Улар брифинг қатнашчиларига

15 Саидов А. Ўзбекистон – дин ва эътиқод эркинлигининг янги даврида // <http://uza.uz/> 06.08.2018.

мамлакатда диний эркинликларни таъминлаш ва маърифий ислом ғояларини тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида батафсил маълумотларни тақдим этдилар.

Брифингда Америка томонидан – **Глобал жалб этиш институти президенти Ж.Чен** қатнашди. У Вашингтондаги Вазирлар конференцияси доирасидаги мулоқотларда турли мамлакатлар вакиллари асосан дунё миқёсида диний мурасимсизлик негизидаги таъқиблар кўпайиб, аксинча, бу борадаги эркинликлар тобора қисқариб бораётганига эътибор қаратганини таъкидлар экан, шу аснода **“Ўзбекистон бу соҳадаги ягона умид шуъласи ва эзгу янгилликлар манбаига айлангани”**ни эътироф этди.

Шу ўринда 2017 йил кузида Ўзбекистонга ташриф буюрган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг **Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид** Ўзбекистонда диний соҳада олиб борилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлашни билдирганини ҳам алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

БМТ Махсус маърузачиси А.Шаҳиднинг Ўзбекистонга ташрифи якунлари бўйича тавсияларни амалга ошириш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида 2018 йил 4 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Сенати Кенгашининг қўшма қарори билан дин ёки эътиқод эркинлигини таъминлаш юзасидан “Йўл харитаси” тасдиқланган. Шунингдек, “Йўл харитаси” ижросининг бориши юзасидан мониторинг ўтказувчи ишчи гуруҳи фаол ишламоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига давлат сиёсатининг ва халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралаётганининг яққол далолатидир. Юртимиздаги сиёсий жараёнлар замонавий демократиянинг барча мезонларига тўлиқ жавоб беради.

Хулоса қилиб айтганда, дунё аҳли бугун инсоният тараққиётининг кескин бурилишлар рўй бераётган тарихий босқичида яшамоқда. Глобаллашув асрида жаҳонда тинчлик ўрнатишнинг энг муҳим тамойилларидан бири диний бағрикенглик ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, ҳар бир инсондан эътиқодида мустаҳкам бўлган ҳолда бошқа динлар, бошқа эътиқод ва анъаналарни ҳам ўрганишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, **“Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустақкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир”<sup>16</sup>.**

Акмал Саидов,  
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси  
Миллий маркази директори, академик

---

16 Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. Тошкент шаҳри, 2016 йил 18 октябрь // <https://president.uz/uz/lists/view/34>.

Диний жамоатлар  
ва муайян эътиқодларга  
амал қиладиган жамоатларнинг  
ҳуқуқ субъектиликка доир  
раҳбарий тамойиллар

## КИРИШ

1989 йилги Вена хужжатида (16.3-банд) ЕХХТ аъзо-давлатлари «Ўз давлатларининг конституциялари доирасида ўз динларига риоя этадиган ёки риоя этишга шай бўлган диндорлар уюшмаларига уларнинг илтимослари бўйича тегишли мамлакатларда улар учун кўзда тутилган мақомни эътироф этиш»га ваъда беришган.

ЕХХТ минтақасида кўпчилик диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатларга нисбатан ушбу мажбурият бажарилмоқда. Шу билан бирга, бир қатор аъзо-давлатларда унинг бажарилишига ҳам қонунчиик даражасида, ҳам амалиёт даражасида мавжуд бўлган тўсиқлар халал бермоқда. Хусусан, мажбурий рўйхатдан ўтказиш тизимидан фойдаланилиши натижасида, шунингдек, юридик шахс мақомини олишда амалий ва ҳуқуқий мазмундаги жиддий қийинчиликларга дуч келиниши оқибатида кўплаб диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатларнинг ҳуқуқлари камситилмоқда.

2004 йили ДИИХБ ва Венеция комиссияси ушбу муаммоларни ва «Дин ёки эътиқод тўғрисидаги қонунчилик таҳлили бўйича тавсиялар»<sup>17</sup> номли нашрда кўрсатилган ҳуқуқларларга доир масалаларни муҳокама қилган эди. Ўтган даврда инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа минтақавий ва халқаро ташкилотлар ушбу масалалар бўйича бир қатор баёнот, хулоса ва қарорлар қабул қилди. Буларнинг барчаси ДИИХБ ва Венеция комиссиясининг ушбу соҳадаги тавсияларини янгилашни талаб этгани мантиқан тўла асослидир.

Бундай заруратни, шунингдек, Вазирлар кенгашининг 2013 йили Киевда қабул қилинган ва аъзо-давлатларни «хусусий шахслар ва диний жамоатларнинг тоат-ибодат қилишлари ёки ўз эътиқодига риоя этишларига нисбатан ЕХХТ доирасида қабул қилинган сиёсий мажбуриятлари ва халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларига мувофиқ бўлмаган чекловларни жорий этишдан тийилиш»га даъват этадиган «Фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлиги» бўйича қарори ҳам тақозо этди.

Мазкур Тавсияноманинг мақсади – дин ёки эътиқод эркинлигига доир қонунчиликни ишлаб чиқиш ва қўллашда иштирок этаётган шахслар, шу жумладан, фуқаролик жамияти вакилларига диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатлар мақомини эътироф этиш соҳасидаги минимал халқаро стандартларни ўзида жамлайдиган таянч хужжатни тақдим этишдан иборат. Муаллифлар давлатлар билан диний жамоатлар ёки муайян

17 <http://www.osce.org/odihr/13993>.



эътиқодга амал қиладиган жамоатлар ўртасида мавжуд битимларни шубҳа остига қўйишга интилмайдилар.

Мазкур ҳужжатнинг вазифаси, аслида, юридик шахс мақомига эга бўлишни хоҳлаётган жамоатларга адолатли имконият яратиб берадиган ҳуқуқий асосни қисқача тавсиф этишдан, шунингдек, ўрнатилган мезонларни ҳеч қандай камситишларсиз татбиқ қилишдир. Ушбу нашрда диний ташкилотлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш ва расман эътироф этиш масалалари атрофлича кўриб чиқилган бўлиб, бу материал 2004 йилги Тавсияноманинг «Диний ташкилотлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган ташкилотларни рўйхатдан ўтказишни тартибга солишга доир қонунлар» номли бўлимини тўлдиради. Бунда олдинги ҳужжатнинг қоидалари тўла ўз кучида қолади.

Мазкур Тавсиянома фуқаролик жамияти ташкилотлари ва давлатларнинг мансабдор шахслари билан ҳар томонлама маслаҳатлашувлар натижаси ҳисобланади. Ушбу нашрни тайёрлаш жараёнида давра суҳбати шаклида тўртта кенгаш ўтказилиб, Киев (2013 йил 3 сентябрь), Варшава (2013 йил 26 сентябрь), Остона (2013 йил 10 октябрь) ва Брюсселда (2013 йил 24 октябрь) бўлиб ўтган ана шу кенгашларда ҳужжатнинг лойиҳалари ва якуний таҳрири муҳокама қилинди. Кенгашларда кенг географияни ва ранг-баранг экспертлар салоҳиятини намоён этган жами 90 нафардан зиёд вакил иштирок этди.

Бундан ташқари, мазкур ҳужжатни тайёрлаш асносида ДИИХБнинг Дин ва эътиқод эркинлиги масалалари бўйича экспертлар кенгаши билан ҳам маслаҳатлашилган бўлиб, таркибига ЕХҲТнинг барча минтақаларидан 12 нафар мустақил экспертни жамлаган ушбу Кенгаш аъзолари 2013 йил феввалида тайинланган.

Мазкур Тавсиянома, шунингдек, БМТнинг Дин ёки эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачиси Хайнер Билефельдт томонидан амалга оширилган муҳим ишларнинг самараларига таянади. Биз фуқаролик жамиятининг барча вакиллари, олимларга, давлатларнинг мансабдор шахсларига ва бошқа мутахассисларга ўз экспертлик билимларини баҳам кўрганлари ҳамда мазкур ҳужжатни тайёрлашда таклифлари билан қатнашганлари учун миннатдорчилик билдирамыз.

Венеция комиссияси мазкур Тавсияномани 2014 йил 16 июнда ўз веб-сайтида эълон қилган<sup>18</sup> ва гарчи ушбу ҳужжатнинг якуний вариантини тақдим этиш

18 Ушбу матн Венеция комиссиясининг 2014 йил 13-14 июнь кунлари бўлиб ўтган 99-ялпи мажлисида қабул қилинганидан кейин ДИИХБ томонидан таҳрир қилинган.

шарафи бизга насиб этган бўлса-да, мазкур нашрни тайёрлашга раҳбарлик қилгани учун ДИИХБнинг собиқ директори элчи Янез Ленарчичга ўз ташаккуримизни изҳор этиш истагидамиз.

Ишончимиз комилки, мазкур ҳужжатдан кенг фойдаланилади ва у барча диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатларга ўзлари интилган мақомни олишлари учун ёрдам беради, шу орқали барча шахсларга ўзларининг дин ёки эътиқод эркинлигини тўлалигича ва улар лойиқ бўлган ҳурмат-эҳтиромга муносиб даражада рўёбга чиқариш имкониятини тақдим этади.

Михаэль Георг Линк  
Доктор Жанни Букиккио

ДИИХБ Директори  
Венеция комиссияси  
Раиси

## Қисқартмалар

<b>БМТ</b>	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
<b>БМТ ИҚИЖТК</b>	БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши
<b>БМТ ММ</b>	БМТнинг Дин ёки эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачиси
<b>ДИИХБ</b>	ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси
<b>ЕХХТ</b>	Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти
<b>ИҲАК</b>	Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенцияси
<b>ИҲЕК</b>	Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенцияси (Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси)
<b>ИҲЕС</b>	Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди
<b>ФСХҲП</b>	Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари бўйича халқаро пакт

## I ҚИСМ

Дин ёки эътиқод эркинлиги  
ва умумий олатда йўл  
қўйиладиган чекловлар

1. Дин ёки эътиқод эркинлиги ҳам халқаро воситалар<sup>19</sup>, ҳам ЕХҲТ мажбуриятлари<sup>20</sup> доирасида эътироф этилган асосий инсон ҳуқуқлари қаторига киради. Халқаро стандартларга мувофиқ, ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга<sup>21</sup>. Бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ва таълимот, тоат-ибодат қилиш ва диний расм-русум ҳамда маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ёки эътиқодига яқка ўзи, шунингдек, бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади<sup>22</sup>.
2. «Дин» ва «эътиқод» тушунчаларини кенг талқин қилиш тақозо этилади<sup>23</sup>. Дин ёки эътиқод эркинлигини қўллаш соҳасини аниқлашда динлар ва эътиқодларнинг ўзини ўзи тан олиши асосий нуқта ҳисобланиши зарур, гарчи давлат органлари мазкур тушунчаларнинг муайян ҳолатларда қўлланишини аниқлаш учун бир қатор холис, расмий мезонларга эга экани шубҳасиздир. Динлар ва эътиқодларнинг ниҳоятда хилма-хил турлари мавжуд<sup>24</sup>. Шундай қилиб, дин ёки эътиқод эркинлиги нафақат анъанавий динларга (ё эътиқодларга) ёхуд ўзларининг расман моҳияти ёки амалиёти бўйича анъанавий динларга ўхшаш бўлган динларга (ё эътиқодларга)

---

19 Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари бўйича халқаро пакт (ФСҲҲП), 18-модда; Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенцияси (ИҲЕК), 9-модда; Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенцияси (ИҲАК), 12-модда; Асосий ҳуқуқлар тўғрисидаги Европа Кенгаши хартияси, 10-модда.

20 Вена учрашувининг ((Хельсинкидаги) кенгашдан кейинги бўлажак қадамларга тааллуқли якуний ҳужжатнинг қоидалрига асосланган Учинчи кенгаш) Якуний ҳужжати, Вена, 1989 йил (кейинги ўринларда – «Вена, 1989»), 11,16,17 ва 32-бандлар; ЕХҲКнинг 1990 йилги Инсонийлик мезонлари бўйича конференциясининг Копенгаген кенгаши Ҳужжати (кейинги ўринларда – «Копенгаген, 1990»), 9.4-банд; ЕХҲКнинг 1994 йилги «Янги даврда чинакам шериклик йўлида» номли Будапешт Ҳужжати (кейинги ўринларда – «Будапешт, 1994»), 27-банд; Вазирлар кенгашининг ўн биринчи учрашуви Ҳужжати, Маастрихт, 2003 йил (кейинги ўринларда – «Маастрихт, 2003»), 9-банд.

21 ФСҲҲП, 18-модда, 1-банд; ИҲЕК, 9-модда, 1-банд; ИҲАК, 12-модда, 1-банд; Копенгаген, 1990, 9.4-банд; Асосий ҳуқуқлар тўғрисидаги Европа Кенгаши хартияси, 10-модда.

22 ФСҲҲП, 18-модда, 1-банд; ИҲЕК, 9-модда, 1-банд; ИҲАК, 12-модда, 1-банд; Копенгаген, 1990, 9.4-банд.

23 БМТнинг Инсон ҳуқуқлари кенгаши, Дин ёки эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачисининг Маърузаси, 2011 йил 22 декабрь, А/HRС/19/60 (кейинги ўринларда – «БМТ ММнинг Эътироф этиш ҳақидаги маърузаси»), 38-банд; Joint Opinion on the Law on Freedom of Religious Belief of the Republic of Azerbaijan by the Venice Commission and the OSCE/ODIHR (Венеция Комиссияси ва ЕХҲТ ДИИҲБнинг Озарбайжон Республикаси эътиқод эркинлиги тўғрисидаги қонуни муносабати билан қўшма хулосаси), CDL-AD(2012)022, adopted by the Venice Commission at its 92nd Plenary Session (Venice, 12-13 October 2012), para. 34.

24 БМТ ММнинг «Эътироф этиш ҳақидаги маърузаси», 31-банд.

нисбатан қўлланилади<sup>25</sup>. Дин ёки эътиқод эркинлиги теистик, нотеистик ва атеистик эътиқодни, шунингдек, ҳеч қандай дин ёки эътиқодга риоя этмаслик ҳуқуқини ҳимоя қилади<sup>26</sup>.

3. Дин ёки эътиқод эркинлиги инсоннинг бошқа ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари – айниқса, фикрни ифода этиш эркинлиги<sup>27</sup>, йиғинлар ўтказиш ва уюшмалар тузиш эркинлиги<sup>28</sup> ҳамда камситишларнинг бўлмаслиги ҳуқуқи<sup>29</sup> билан чамбарчас боғлиқдир.

25 БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси, Умумий тартибдаги изоҳлар, №22 (UN Doc. HRI/GEN/1/Rev.1 at 35 (1994)), п. 2; Joint opinion on the draft law on the freedoms of conscience and religion and on the laws making amendments and supplements to the criminal code, the administrative offences code and the law on the relations between the Republic of Armenia and the Holy Armenian Apostolic Church of the Republic of Armenia by the Venice Commission and the OSCE/ODIHR [Венеция комиссияси ва ЕХХТ ДИИХБнинг Виждон ва диний ташкилотлар эркинлиги тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳамда Жиноят кодекси, Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекс, шунингдек, Арманистон Республикаси билан Арманистон Республикасининг Муқаддас арман апостол черкови ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги қонунга тузатиш ва қўшимчалар киритилиши муносабати билан Кўшма битими], CDL-AD (2011) 028, adopted by the Venice Commission at its 88th Plenary Session (Venice, 14-15 October 2011), paras. 22-24; Interim joint opinion on the law on making amendments and supplements to the law on freedom of conscience and religious organisations and on the laws on amending the criminal code; the administrative offences code and the law on charity of Republic of Armenia by the Venice Commission and OSCE/ODIHR [Венеция комиссияси ва ЕХХТ ДИИХБнинг Виждон ва диний ташкилотлар эркинлиги тўғрисидаги қонун ҳамда Жиноят кодекси, Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексга, шунингдек, Арманистон Республикасининг Ҳомийлик тўғрисидаги қонунига тузатишлар киритилиши муносабати билан Дастлабки қўшма битими], CDL-AD(2010)054, adopted by the Venice Commission at its 85th Plenary Session (Venice, 18-18 December 2012), para. 43; ИҲЕС, 15 июнь 2010 й., Grzelak v. Poland [«Желяк Польшага қарши»], Application no. 7710/02, para. 85; ИҲЕС, 25 май 1993 й., Kokkinakis v. Greece [«Коккинакис Грецияга қарши»], Application no. 14307/88 para. 31; ИҲЕС, 18 февраль 1999 й., Buscarini and Others v. San Marino [«Бускарини ва бошқалар Сан-Маринога қарши»], Application no. 24645/94, para. 34.

26 БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси, Умумий тартибдаги изоҳлар, №22 (UN Doc. HRI/GEN/1/Rev.1 at 35 (1994)), п. 2; Interim joint opinion on the law on making amendments and supplements to the law on freedom of conscience and religious organisations and on the laws on amending the criminal code; the administrative offences code and the law on charity of the Republic of Armenia by the Venice Commission and OSCE/ODIHR [Венеция комиссияси ва ЕХХТ ДИИХБнинг Виждон ва диний ташкилотлар эркинлиги тўғрисидаги қонун ҳамда Жиноят кодекси, Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексга, шунингдек, Арманистон Республикасининг Ҳомийлик тўғрисидаги қонунига тузатишлар киритилиши муносабати билан Дастлабки қўшма битими], CDL-AD(2010)054, Б. 46-47.

27 **Қаранг:** БМТ ҳуқуқлари кенгашининг Ирқий ва диний нафратни кўзғаш, тоқатсизликни рағбатлантириш ҳақидаги 1/107-сон қароридоирасида Дин ва эътиқодлар эркинлиги масалалари бўйича Махсус маърузачи Асма Жаҳонгир ҳамда Ирқчилик ва ирқий камситишларнинг замонавий шакллари, ксенофобия ва у билан боғлиқ тоқатсизлик масалалари бўйича Махсус маърузачи Дуду Дьен маърузалари; 20 сентябрь 2006 й., UN Doc. A/HRC/2/3, pp. 46-47.

28 ИҲЕС, 26 октябрь 2000 й., Hasan and Chaush v Bulgaria [«Ҳасан ва Чауш Болгарияга қарши»], Application no. 30985/96, para. 62.

29 Opinion on Act CCVI of 2011 on the right to freedom of conscience and religion and the legal status of churches, denominations and religious communities of Hungary [Венгриянинг 2011 йилда қабул қилинган Виждон ва динлар эркинлиги ҳамда черковлар, конфессиялар ва диний жамоатларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги қонуни муносабати билан битим, CCVI], CDL-AD(2012)004, adopted by the Venice Commission at its 90th Plenary Session (Venice, 16-17 March 2012), para. 19.

4. Дин ёки эътиқодга эга бўлиш ё уларни шахсий танлов асосида қабул қилиш ҳуқуқи, шу билан бирга, ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш ҳуқуқи<sup>30</sup> ҳам, ҳеч қандай тарзда чекланиши мумкин эмас<sup>31</sup>.
5. Дин ёки эътиқодга риоя қилиш эркинлигини фақат қуйидаги мезонлар мавжуд бўлган ҳоллардагина чеклашга йўл қўйилиши мумкин:
  - А. Чеклов қонун билан ўрнатилган бўлса<sup>32</sup>;
  - Б. Чекловдан мақсад жамоат хавфсизлигини, (жамоатчилик) тартибини, соғлиқ ё маънавиятни<sup>33</sup> ёки бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини<sup>34</sup> муҳофаза этиш бўлса;
  - В. Чеклов ана шу мақсадлардан бирига эришиш учун зарур ва унга мутаносиб бўлса<sup>35</sup>;
  - Г. Чеклов камситиш мақсадларида ўрнатилмаган ва камситадиган йўсинда қўлланилмаётган бўлса<sup>36</sup>.
6. Чекловлар дин ёки эътиқод эркинлигини бузадиган йўсинда қўлланилмаслиги лозим<sup>37</sup>. Йўл қўйиладиган чекловларга тааллуқли қоидаларнинг амал қилиш соҳаларини талқин қилиш асносида,

30 ИХЕК, 1-банд, 9-модда; Копенгаген, 1990, п. 9.4; БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси, Умумий тартибдаги изоҳлар, №22, 5-банд; Joint Opinion on the Law on Freedom of Religious Belief of the Republic of Azerbaijan by the Venice Commission and the OSCE/ODIHR, CDL-AD(2012)022 [Венеция комиссияси ва ЕХХТ ДИИХБнинг Озарбайжон Республикаси Диний эътиқод эркинлиги тўғрисидаги қонуни муносабати билан Қўшма битими], CDL-AD(2012)022, adopted by the Venice Commission at its 92nd Plenary Session (Venice, 12-13 October 2012), para. 31.

31 ФСХХП, 2-банд, 18-модда; ИҲАК, 2-банд, 12-модда; БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси, Умумий тартибдаги изоҳлар, №22, 8-банд; Joint Opinion on the Law on Freedom of Religious Belief of the Republic of Azerbaijan by the Venice Commission and the OSCE/ODIHR, CDL-AD(2012)022 [Венеция комиссияси ва ЕХХТ ДИИХБнинг Озарбайжон Республикаси Диний эътиқод эркинлиги тўғрисидаги қонуни муносабати билан Қўшма битими], CDL-AD(2012)022, adopted by the Venice Commission at its 92nd Plenary Session (Venice, 12-13 October 2012), paras. 28 and 30.

32 ФСХХП, 3-банд, 18-модда; ИХЕК, 2-банд, 9-модда; ИҲАК, 3-банд, 12-модда; Копенгаген, 1990, 9.4-банд; ИХЕС, 30 июнь 2011 й., Association les Temoins de Jehovah v. France [«Свидетели Иеговы» уюшмаси Францияга қарши], Application No.8916/05, para. 66-72.

33 БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси шуни таъкидлайдики, что «маънавият тушунчаси кўплаб ижтимоий, фалсафий ва диний анъаналар негизда юзага келади ва шундай экан, маънавиятни ҳимоя қилиш мақсадида дин ёки эътиқодлар эркинлигига чекловлар ўрнатишда фақат биттагина анъанага таянадиган принциплардан келиб чиқиб бўлмайди» (БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси, Умумий тартибдаги изоҳлар, № 22, 8-банд)

34 ФСХХП, 3-банд, 18-модда; ИХЕК, 9-модда: унга кўра, «ижтимоий хавфсизлик манфаатларида, жамоатчилик тартиби, соғлиқ ё маънавиятни сақлаш учун ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун» ўрнатиладиган чекловлар сони чекланган.

35 ФСХХП, 18(3)-модда; ИҲАК, 12-модда; қиёсланг: ИХЕК, 9(2)-модда («демократик жамиятда қуйидаги манфаатлар нуқтаи назаридан зарурки...»).

36 БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси, Умумий тартибдаги изоҳлар, № 22, 8-банд.

37 Ўша жойда.

аъзо-давлатлар халқаро воситалар билан кафолатланган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш заруратидан келиб чиқишлари керак<sup>38</sup>.

7. Муайян чеклов «қонунда қайд этилиши» учун қонуннинг ушбу чекловни ўрнатадиган қонунда етарли даражада очиқ ва аён бўлиши шарт. Бу шуни англатадики, тегишли қонунда етарлича аниқ баён этилиши керак, токи алоҳида шахслар ёки жамоатлар ўз хулқини бошқариш (агар талаб этилса – тегишли маслаҳатлар олиш) имконига эга бўлсинлар. Миллий қонун бу талабларга жавоб бериши учун у давлат ҳокимияти органларининг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига ўзбошимчалик билан дахл қилишидан ҳуқуқий ҳимояланишни таъминлаши зарур. Асосий ҳуқуқларга тааллуқли масалаларни ҳокимиятнинг ижро этувчи органлари тасарруфига қолдириш, бунда уларнинг ваколатларини чекламаслик ҳуқуқ устуворлиги тамойилига хилофдир. Шундай қилиб, қонунда тегишли ҳокимият органларига тақдим этиладиган бундай тасарруфнинг чегаралари ва уни қўллаш тартиби етарлича аниқ кўрсатилиши лозим<sup>39</sup>. Шунингдек, чекловлар ўтиб кетган сана билан ёки муайян шахс ё гуруҳларга нисбатан ўзбошимчалик билан қўлланилмаслиги ҳам кўзда тутилади. Бундан ташқари, чекловлар қонун кучига эга бўлиши талаб этиладиган, аммо ўта ноаниқ мазмундаги нормалар асосида жорий этилиши мумкин эмас, негаки бундай ҳолда қонун талабини англаш қийинлашади ёхуд ҳуқуқни ўзбошимчалик билан қўллашга йўл очилади<sup>40</sup>.
8. Чекловлар фақат дин ёки эътиқод эркинлигига тааллуқли қоидаларда ҳудди шунинг учун алоҳида кўзда тутилган мақсадлардагина қўлланиши

---

38 Ўша жойда.

39 ИҲЕС, 26 октябрь 2000 й., *Hasan and Chaush v Bulgaria* [«Хасан ва Чауш Болгарияга қарши»], Application no. 30985/96, para. 84; Joint opinion on the draft law on freedoms of conscience and religion and on the laws making amendments and supplements to the criminal code, the administrative offences code and the law on the relations between the Republic of Armenia and the Holy Armenian Apostolic Church of the Republic of Armenia by the Venice Commission and the OSCE/ODIHR, CDL-AD(2011)02 [Венеция комиссияси ва ЕХҲТ ДИИХБнинг Виждон ва диний ташкилотлар эркинлиги тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳамда Жиноят кодекси, Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекс, шунингдек, Арманистон Республикаси билан Арманистон Республикасининг Муқаддас арман апостол черкови ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги қонунига тузатиш ва қўшимчалар киритилиши муносабати билан Қўшма битими], CDL-AD(2011)028, para. 35.

40 БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (БМТ ИҚИЖТК), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари бўйича халқаро пакт қоидаларидан чекланишлар ва чекинишлар талқинининг Сиракуз принциплари (UN ECOSOC Siracusa Principles), UN Doc. E/CN.4/1985/4, Annex (1985), B(i)-бўлим, 15-18-бандлар; Joint Opinion on Freedom of Conscience and Religious Organizations In the Republic of Kyrgyzstan by the Venice Commission and OSCE/ODIHR Advisory Council on Freedom of Religion or Belief [Венеция Комиссияси ва ЕХҲТ ДИИХБ Экспертлар кенгашининг Қирғизистон Республикаси Эътиқод эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонуни муносабати билан Қўшма хулосаси], CDL-AD(2008)032, adopted by the Venice Commission at its 76th Plenary Session (Venice, 17-18 October 2008), para. 6.

мумкин; уларнинг халқаро воситаларда кўзда тутилмаган асослар бўйича қўлланиши мумкин эмас, ҳатто агар бундай асосларда инсоннинг бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига нисбатан чекловларга рухсат этилган тақдирда ҳам, бунга йўл қўйилмайди<sup>41</sup>.

9. Чекловлар дин ёки эътиқод эркинлиги соҳасидаги қонунчилик қоидаларида кўзда тутилган асосларга мувофиқ зарур деб топилиши лозим. Зарур деб топилган у ёки бу чеклов ўзи йўналтирилган аниқ мақсад билан тўғридан-тўғри боғлиқ ва ўша мақсадга мутаносиб бўлиши керак<sup>42</sup>. Бунда амалга ошириладиган аралашув жамоатчиликнинг энг муҳим эҳтиёжларига жавоб бериши ва қонун тақозо этадиган мақсадга мутаносиб бўлиши зарур<sup>43</sup>. «Жамоатчиликнинг энг муҳим эҳтиёжлари» тушунчаси тор маънода талқин этилади ва чеклов нафақат фойдали ёки керакли, айти чоғда зарурат ҳам эканини англатади<sup>44</sup>. Аралашув мутаносиб бўлиши учун давлат сиёсатининг мақсадлари билан унга эришиш йўлида фойдаланадиган воситалари ўртасида оқилона алоқадорлик мавжуд бўлиши керак. Бундан ташқари, умумий мазмундаги эҳтиёжлар билан алоҳида инсоннинг асосий ҳуқуқлари ҳимоясига доир талаблар ўртасидаги мақбул мувозанатни сақлаб туриш лозим бўлади; чекловнинг асосланиши зарур ва етарли даражада бўлиши, бу йўлда қўлланиладиган воситалар эса аралашувнинг энг кам ҳажмини назарда тутиши даркор<sup>45</sup>.

41 БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси, Умумий тартибдаги изоҳлар, № 22, 8-банд.

42 Ўша жойда.

43 ИХЕС, 25 ноябрь 1996 й., *Wingrove v. the United Kingdom* [«Уингров Бирлашган Қиролликка қарши»], Application no. 17419/90, para. 53.

44 ИХЕС, 14 июнь 2007 й., *Svyato-Mukhaylivska Parafiya v. Ukraine* [«Свято-Михайловск қавми Украинага қарши»], Application no. 77703/01, para.116; ИХЕС, 17 февраль 2004 й., *Gorzelik and Others v. Poland* [«Гожелик ва бошқалар Польшага қарши»], Application no. 44158/98, paras. 94-95.

45 БМТ ИҚИЖТК, Сиракуз принциплари, А-бўлим, 10-14-бандлар; Joint opinion on the draft law on freedoms of conscience and religion and on the laws making amendments and supplements to the criminal code, the administrative offences code and the law on the relations between the Republic of Armenia and the Holy Armenian Apostolic Church of the Republic of Armenia by the Venice Commission and the OSCE/ODIHR, CDL-AD(2011)028, [Венеция комиссияси ва ЕХХТ ДИИХБнинг Виждон ва диний ташкилотлар эркинлиги тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳамда Жиноят кодекси, Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекс, шунингдек, Арманистон Республикаси билан Арманистон Республикасининг Муқаддас арман апостол черкови ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги қонунга тузатиш ва қўшимчалар киритилиши муносабати билан Қўшма битими], CDL-AD(2011)028, para.36. Яна қаранг: Interim joint opinion on the law on making amendments and supplements to the law on freedom of conscience and religious organisations and on the laws on amending the criminal code; the administrative offences code and the law on charity of the Republic of Armenia by the Venice Commission and OSCE/ODIHR [Венеция комиссияси ва ЕХХТ ДИИХБнинг Виждон ва диний ташкилотлар эркинлиги тўғрисидаги қонун ҳамда Жиноят кодекси, Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексга, шунингдек, Арманистон Республикасининг Ҳомийлик тўғрисидаги қонунга тузатишлар киритилиши муносабати билан Дастлабки қўшма битими], CDL-AD(2010)054, para. 35.



10. Давлат томонидан рухсат берилиши дин ёки эътиқод эркинлигига бўлган ҳуқуқни амалга оширишнинг шарти, деб ҳисобланмаслиги лозим. Оммавий ёки хусусий тартибда адо этиладиган, якка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргаликда риоя қилинадиган дин ёки эътиқод эркинлигини рўёбга чиқариш ҳуқуқига нисбатан олдиндан рўйхатдан ўтказиш ёхуд шу каби бошқа рамиятчиликлар ўрнатилиши мумкин эмас, чунки бу ҳуқуқ ҳуқуқдорлар ҳисобланувчи шахслар ва жамоатларга олдиндан тегишли ҳамда бунинг учун расмий рухсат олинishi тақозо этилмайди<sup>46</sup> Бу ҳолат, қуйида янада батафсил баён этиладиганидек, ушбу соҳадаги рўйхатга олинмаган фаолият турларига нисбатан ҳуқуқий тақиқ ва санкцияларнинг қўлланиши халқаро ҳуқуқ мезонларига мувофиқ келмаслигини ҳам англади.

---

46 ИХЕС, 13 декабрь 2001 й., Metropolitan Church of Bessarabia v. Moldova [«Бессарабия митрополияси Мол-довага қарши»], 45701/99, para.128-130; Дин ёки эътиқодлар эркинлиги бўйича махсус маърузачи Хайнер Билефельдтнинг Маърузаси, UN Doc. A/HRC/19/60, 25 ва 41-бандлар.



## II ҚИСМ

Бошқалар билан амжи  
атликда дин ёки эътиқодга  
риоя этиш эркинлиги

11. Юқорида қайд этилганидек, одамлар дин ёки эътиқодига якка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан бирга риоя қилиш ҳуқуқига эга. Мазкур ҳужжатда ўз дин ёки эътиқодига бошқалар билан ҳамжиҳатликда риоя қиладиган шахслар «диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатлар», деб аталади. Муайян эътиқодга риоя этадиган ва ўзлари мансуб мамлакатнинг ҳуқуқий тизимида юридик шахс мақомидан фойдаланадиган диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга риоя қиладиган жамоатлар «диний ташкилотлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган ташкилотлар», деб юритилади.
12. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ жамоатлар риоя қиладиган ва ифода этадиган дин ва эътиқоднинг кўплаб турларини ҳимоя қилади. Динга риоя қилиш ёки муайян эътиқодга амал қилиш эркинлиги сажда қилиш, таълим олиш, диний расм-русум ҳамда маросимларни адо этиш, эътиқодга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади. Бунда тоат-ибодатнинг ушбу турлари кенг миқёсда ўзаро кесишиши мумкин.
13. Сажда қилиш эркинлигига, жумладан, ўз дини ёки эътиқоди асосида уюшиш эркинлиги<sup>47</sup> ва жамоатларнинг диний расм-русум ҳамда маросимларни бевосита ўз дини ёки эътиқодини акс эттирган ҳолда адо этиш эркинлиги<sup>48</sup>, шунингдек, ушбу эркинликларнинг узвий қисми бўлган турли амалий ишлар, хусусан, аҳоли учун қулай жойларда сажда қилиш учун махсус жойлар қуриш ва сақлаш<sup>49</sup>, диний маросимга оид тимсоллар ва буюмлардан фойдаланиш, диний рамзларни намойиш этиш эркинлиги киради<sup>50</sup>.
14. Риоя қилиш ва адо этиш деганда, бошқа масалалар қатори, диний маросимларни ўтказиш, шунингдек, парҳез (рўза) билан боғлиқ кўрсатмаларни бажариш<sup>51</sup>, алоҳида либослар ё бош кийимларида юриш<sup>52</sup>, ҳаётнинг муайян босқичларига тегишли удумларга амал қилиш<sup>53</sup>, ушбу динга сажда қиладиган одамлар орасида урф бўлган муайян диний лаҳжада

---

47 БМТ Бош Ассамблеяси, Муросасизлик ва камситишларнинг диний мансублик ва эътиқод билан боғлиқ барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги декларацияси, 25 ноябрь 1981 й., А/RES/36/55, 6 (а)-банд.

48 БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси, Умумий тартибдаги изоҳлар, № 22, 4-банд.

49 Вена, 1989, п. 16.4; БМТ Бош Ассамблеяси, Муросасизлик ва камситишларнинг диний мансублик ва эътиқод билан боғлиқ барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги декларацияси, 6 (а)-банд.

50 БМТ Бош Ассамблеяси, Муросасизлик ва камситишларнинг диний мансублик ва эътиқод билан боғлиқ барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги декларацияси, 6 (h)-банд.

51 БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси, Умумий тартибдаги изоҳлар, № 22, 4-банд.

52 Ўша жойда.

53 Ўша жойда.

гапириш<sup>54</sup>, тегишли тартибда хайрия ёки инсонпарварлик муассасаларини очиш ва бошқариш, шунингдек, диний байрамлар ва дам олиш кунларини нишонлаш каби амаллар кўзда тутилади<sup>55</sup>.

15. Дин ёки эътиқоднинг адо этилиши ва таълими эркинлигига, бошқа масалалар қатори, жумладан, ўз иерархияси ва ташкилий тузилмасига<sup>56</sup> таянган ҳолда ташкил топиш ҳуқуқи, шунингдек, тегишли талаб ва андозаларга, шу билан бирга, диний гуруҳлар ва давлат билан эркин асосда тузилган ҳар қандай ўзаро шартномаларга мувофиқ ўз ходимларини сайлаш, тайинлаш ёки алмаштириш ҳуқуқи<sup>57</sup>; семинариялар ёки диний мактаблар ташкил этиш эркинлиги<sup>58</sup>; руҳонийларнинг тегишли муассасаларда таълим олиши эркинлиги<sup>59</sup>; муайян дин ёки эътиқоднинг маросимлари ва урф-одатлари билан боғлиқ зарур нарса ва буюмларни тегишли миқдорда ишлаб чиқариш, харид қилиш ва ишлатиш ҳуқуқи<sup>60</sup>; диний жамоатлар, муассаса ва ташкилотларнинг диний нашрлар ва босма махсулотларни чоп этиш, четдан келтириш ва тарқатиш ҳуқуқи<sup>61</sup>; ҳар бир шахснинг ўзи танлаган тилда (якка ҳолда ёки бошқалар билан бирга ушбу мақсадлар учун мос келадиган жойларда) диний таълим бериш ва таълим олиш<sup>62</sup>, шу жумладан, ота-оналарнинг ўз болалари ўзларининг эътиқодига мувофиқ диний ва маънавий тарбия олишини таъминлаш ҳуқуқи<sup>63</sup>; шахслар ва муассасалардан ихтиёрий равишда молиявий ёки бошқа турдаги хайр-эҳсонлар сўраш ва олиш ҳуқуқи<sup>64</sup>; шунингдек, дин ва

---

54 Ўша жойда.

55 БМТ Бош Ассамблеяси, Муросасизлик ва камситишларнинг диний мансублик ва эътиқод билан боғлиқ барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги декларацияси, 6 (b) ва 6 (h)-бандлар.

56 БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси, Умумий тартибдаги изоҳлар, №22, 4-банд.

57 Вена, 1989, п. 16.4; БМТ Бош Ассамблеяси, Муросасизлик ва камситишларнинг диний мансублик ва эътиқод билан боғлиқ барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги декларацияси, 6 (g)-банд; БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси, Умумий тартибдаги изоҳлар, №22, 4-банд.

58 БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси, Умумий тартибдаги изоҳлар, № 22, 4-банд.

59 Вена, 1989, 16.8-банд.

60 БМТ Бош Ассамблеяси, Муросасизлик ва камситишларнинг диний мансублик ва эътиқод билан боғлиқ барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги декларацияси, 6 (c)-банд.

61 Вена 1989, 16.10-банд; БМТ Бош Ассамблеяси, Муросасизлик ва камситишларнинг диний мансублик ва эътиқод билан боғлиқ барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги декларацияси, 6 (c) ва (d)-бандлар.

62 Вена, 1989, 16.6-банд.

63 Вена, 1989, 16.6-банд.

64 Вена, 1989, 16.4-банд; БМТ Бош Ассамблеяси, Муросасизлик ва камситишларнинг диний мансублик ва эътиқод билан боғлиқ барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги декларацияси, 6 (f)-банд; Opinion on the Draft Law on the insertion of amendments on Freedom of Conscience and Religious Organisations in Ukraine [Украинанинг «Эътиқод эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунига қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонуни муносабати билан хулоса], CDL-AD(2006)030, adopted by the Venice Commission at its 68th Plenary Session (Venice, 13-14 October 2006), para. 34.

эътиқод масалалари бўйича алоҳида шахслар ва жамоатлар билан миллий ва халқаро даражаларда алоқалар ўрнатиш<sup>65</sup> ва бу алоқаларни сафарлар, зиёратлар ва йиғилишлар ҳамда бошқа диний тадбирларда иштирок этиш орқали изчил давом эттириш эркинлиги<sup>66</sup> каби диний гуруҳлар асосий фаолиятининг бир қанча узвий жиҳатлари киради.

16. Юқорида қайд этилганидек, бошқалар билан ҳамжиҳатликда дин ёки эътиқодга риоя этиш эркинлигига одамлар ҳуқуқдор сифатида эга бўлиб, мажбурий рўйхатдан ўтказиш ва бошқа шу каби тартиб-таомилларни қўллаш орқали бу эркинликка нисбатан олдиндан қандайдир чеклашлар жорий этиш мумкин эмас<sup>67</sup>. Шундай қилиб, бу ўринда тавсифлаб берилган дин ёки эътиқод эркинлигини чеклашнинг ҳар қандай шакллари I қисмда баён этилган қатъий мезонларга жавоб бериши зарур.

---

65 БМТ Бош Ассамблеяси, Мурасизлик ва камситишларнинг диний мансублик ва эътиқод билан боғлиқ барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги декларацияси, 6 (i)-банд

66 Вена, 1989, 32-банд.

67 ИХЕС, 12 май 2009 й., *Masaev v. Moldova* [«Масаев в Молдовага қарши»], Application no. 6303/05, para. 26; Joint opinion on the draft law on freedoms of conscience and religion and on the laws making amendments and supplements to the criminal code, the administrative offences code and the law on the relations between the Republic of Armenia and the Holy Armenian Apostolic Church of the Republic of Armenia by the Venice Commission and the OSCE/ODIHR [Венеция комиссияси ва ЕХҲТ ДИИХБнинг Виждон ва диний ташкилотлар эркинлиги тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳамда Жиноят кодекси, Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекс, шунингдек, Арманистон Республикаси билан Арманистон Республикасининг Муқаддас арман апостол черкови ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги қонунига тузатиш ва қўшимчалар киритилиши муносабати билан Қўшма битими], CDL-AD(2011)028, para. 69; Joint Opinion on Freedom of Conscience and Religious Organizations in the Republic of Kyrgyzstan by the Venice Commission and OSCE/ODIHR Advisory Council on Freedom of Religion or Belief [Венеция Комиссияси ва ЕХҲТ ДИИХБ Экспертлар кенгашининг Қирғизистон Республикаси Эътиқод эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонуни муносабати билан қўшма хулосаси], CDL-AD(2008)032, para. 89.

### III ҚИСМ

Диний ташкилотлар ёки  
муайян эътиқодга амал  
қиладиган ташкилотлар

17. II қисмда кўрсатилганидек, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ муайян эътиқодга риоя этадиган диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатларни, уларнинг юридик шахс мақоми мавжудлигидан қатъи назар, ҳимоя қилади. Шу билан бирга, диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатлар, ҳуқуқий соҳада фаолият юритиш имкониятига эга бўлиш мақсадида, ўзларининг диний ташкилотларини таъсис этишни мақбул деб топишлари мумкин. Мазкур ҳужжатнинг мақсадлари учун «диний ташкилотлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган ташкилотлар» атамаси муайян эътиқодга риоя этадиган ва ўзлари мансуб мамлакатнинг ҳуқуқий тизимида юридик шахс мақомидан фойдаланадиган диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга риоя қиладиган жамоатларга нисбатан қўлланади. Миллий қонунчиликда субъект ҳуқуқдорлигига эга бўлиш ҳолати турлича номланиши мумкин ва миллий ҳуқуқ тизимлари диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатларнинг миллий ҳуқуқ тизими доирасида юридик шахс сифатида намоён бўлишини таъминлаш учун ғоятда турлича ҳуқуқий услубларни қўллашлари мумкин. Муайян эътиқодга риоя этадиган диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатларнинг ихтиёрий равишда юридик мақом олишини таъминлаш бўйича мажбуриятни қандай ҳуқуқий услуб ёрдамида бажаришидан қатъи назар, давлатлар ушбу жараёни тартибга соладиган миллий ҳуқуқий асос шу давлатларнинг ўзи иштирокчиси ҳисобланадиган инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро воситаларга, шунингдек улар қабул қилган бошқа халқаро мажбуриятларга мувофиқ бўлишини таъминлашлари шарт. Давлатлар, шунингдек, диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатларнинг юридик шахс мақомини олиши бошқа турдаги гуруҳлар ёки жамоатларга нисбатан анча қийин бўлмаслигини таъминлашлари зарур. Ушбу бўлимда халқаро ҳуқуқий ҳадларнинг батафсил тавсифи тақдим этилган ва муайян давлатлар эришган ижобий амалиётдан мисоллар келтирилган.

**Америка Қўшма Штатларида** ҳар қандай шахс ёки “муайян мақсадда бирлашган ва муайян ном остида иш олиб бориш учун рухсат олган шахсларнинг уюшмаси” қонун олдида “шахс” сифатида ўзини намоён этиш ҳуқуқига эгадир (*Pembina Concol. Silver Mining & Milling Co.v.Com. of Pennsylvania (Pembina Concol. Silver Mining & Milling Co. компанияси Пенсильвания Ҳамдўстлигига қарши)*, 125 U.S. 181, 189, 8 S. Ct. 737, 741, 31 Ed. 650 (1888)). Шу муносабат билан алоҳида жисмоний шахс, ташкилот ёки тижорат корхонаси юридик шахс сифатида эътироф этилиши мумкин.



Шундай қилиб, диний жамоатлар ўзларининг юридик шахслар сифатида эътироф этилишига эришиш мақсадида тижорат корхоналарини (масалан, корпорациялар, якка тартибдаги хусусий корхоналар, ўртоқлик жамиятлари, масъулияти чекланган ўртоқликлар ва масъулияти чекланган компанияларни) ёки нотижорат (одатда корпорациялар шаклида таъсис этиладиган) ташкилотларни таъсис этишлари мумкин.

Тижорат корхоналари ва нотижорат ташкилотлар фаолияти улар ташкил этилган штатнинг қонунлари билан тартибга солинади. Қўшма Штатларда аксарият диний гуруҳлар солиқ имтиёзлари ва турли енгилликларга эга бўлиш учун, штатларнинг қонунлари ва Қўшма Штатлар Солиқ кодекси (масалан, 26 U.S.C. (АҚШ Қонунлар тўплами), § 501(с)) амал қилиши доирасида, нотижорат корпорациялар сифатида ташкил этилган.

**Эстонияда** диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатларнинг ҳуқуқ субъектилиги субконституциявий даражада, Нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳамда Черковлар ва жамоатлар тўғрисидаги қонун билан тартибга солинади.

Черковлар ва жамоатлар тўғрисидаги қонунга мувофиқ, диний уюшма фуқаролик ҳуқуқи бўйича юридик шахс ҳисобланади. Бундай уюшма нотижорат ташкилотдир. Ушбу қонунда диний ташкилотларнинг бешта тури мавжудлиги белгиланган:

- 1) черковлар;
- 2) жамоатлар;
- 3) жамоатлар уюшмалари;
- 4) монастирлар;
- 5) диний жамиятлар.

Жамоат (ёки жамоатлар уюшмаси) – бу насронийлик динига ё бошқа ҳар қандай динга (ёки эътиқодга) риоя қиладиган жисмоний шахслар уюшмаси бўлиши мумкин. Худди шу қоида монастирларга ҳам тегишлидир. Диний жамоатларнинг ўзларига мос келадиган ҳуқуқий шаклни танлаш имконияти борасида қандайдир жиддий чекловлар мавжуд эмас.

**Испанияда** диний жамоатлар юридик шахс мақомининг бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлган учта шаклидан биттасини танлаши мумкин:

- а) Диний уюшмалар (confesiones religiosas) – жамоатлар, черковлар ва диний гуруҳлар учун асосий юридик шахс шакли;

- б) Диний субъектлар (entidades religiosas) – мансублик белгиси бўйича ўзаро боғлиқ бўлган ҳудудий ёки юридик шахс мақомига эга “диний уюшмалар” (“confesiones religiosas”)нинг таркибидаги алоҳида тузилмалар учун юридик шахс шакли. Ҳуқуқий масалаларни соддалаштириш мақсадида Испания қонунчилигида семинар, епархия, маҳаллий жамоат ёки черков, “диний уюшма” (“confesion religiosa”) нинг ҳудудий бўлинмаси “диний субъект” (“entidad religiosa”) сифатида кўриб чиқилиши мумкин;
- в) Диний федерациялар (federaciones religiosas) – айрим хусусиятлари (масалан, диний ақидалари, тарихий келиб чиқиши каби жиҳатлар) умумий бўлган “диний уюшмалар” (“confesiones religiosas”) гуруҳларидан ташкил топади. Шунингдек, “диний субъектлар федерацияси” (federacion de entidades religiosas) номли юридик шахс шакли ҳам мавжуд.

Бундан ташқари, ҳар қандай диний гуруҳ ёки муайян эътиқодга амал қиладиган гуруҳ Давлат уюшмалар регистрида оддий уюшма сифатида рўйхатдан ўтиши мумкин.

18. Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатларнинг мустақил ҳолда мавжуд бўлиши демократик жамиятда плюрализмни таъминлаш учун зарур ва у дин ёки эътиқод эркинлиги тақдим этадиган ҳимоянинг асосида мужассамдир<sup>68</sup>. Бу нафақат ушбу жамоатларнинг шундай мазмунда ташкил топишига, балки уларнинг барча фаол аъзолари диний эътиқод эркинлигига бўлган ҳуқуқидан самарали фойдаланишига ҳам бевосита тааллуқлидир. Агар жамоатнинг ташкилий ҳаёти дин ёки эътиқод эркинлиги билан ҳимояланмаган бўлса, у ҳолда ҳар қандай инсоннинг динга эътиқод қилишга доир яқка ҳолдаги ҳуқуқларининг бошқа барча жиҳатлари заиф бўлиб қолади<sup>69</sup>. Ўзаро боғлиқ манфаатлар соҳасида жамоа бўлиб саъй-ҳаракат қилиш учун ҳуқуқ субъектларини ташкил этиш

68 ИХЕС, 26 October 2000, Hasan and Chaush v Bulgaria [Ҳасан ва Чауш Болгарияга қарши], Application no. 30985/96, para.62; ИХЕС, 9 July 2013, Sindicatul “Pastorul Cel Bun” v. Romania [«Меҳрибон руҳоний» иттифоқи Руминияга қарши], Application no. 2330/09, para.136; ИХЕС, 13 December 2001, Metropolitan Church of Bessarabia v. Moldova [Бессарабия митрополияси Молдовага қарши], Application no. 45701/99, para.118, ИХЕС, 22 January 2009, Case of Holy Synod of the Bulgarian Orthodox Church (Metropolitan Inokentiy) and others v. Bulgaria [Болгар православ церковининг Муқаддас синоди (митрополит Иннокентий) ва бошқалар Болгарияга қарши], Application nos. 412/03 and 35677/04, para. 103.

69 ИХЕС, 26 October 2000, Hasan and Chaush v Bulgaria [Ҳасан ва Чауш Болгарияга қарши], Application no. 30985/96, para. 62.

имконияти уюшмалар тузиш эркинлигига бўлган ҳуқуқнинг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб, бунингсиз ушбу ҳуқуқ ўзининг асл маъно-мазмунини йўқотган бўлур эди. Диний жамоатни ташкил этишга келганда, унга юридик шахс мақоми беришнинг рад этилиши, ИХЕК 9-моддасига мувофиқ, (ҳам жамоатнинг ўзи, ҳам унинг алоҳида аъзолари) диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқини рўёбга чиқаришига аралашини сифатида тан олинган<sup>70</sup>. Шу муносабат билан ЕХХТ аъзо-давлатлари «ўз давлатларининг конституциялари доирасида ўз динларига риоя этадиган ёки риоя этишга шай бўлган диндорлар уюшмаларига уларнинг илтимослари бўйича тегишли мамлакатларда улар учун кўзда тутилган мақомни эътироф этиш»га ваъда беришган<sup>71</sup>.

19. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуққа кўра, давлатнинг дин ёки эътиқод эркинлиги асосида уюшган фуқаролар уюшмасига ҳуқуқ субъектилиги тақдим этилишини рад қилиши, уюшмалар эркинлиги ҳуқуқи нуқтаи назаридан, дин ёки эътиқод эркинлигини рўёбга чиқариш ҳуқуқига аралашини сифатида намоён бўлади<sup>72</sup>. Аниқланишича, ҳокимият вакилларининг муайян гуруҳни рўйхатдан ўтказишни рад этиши ёки уни ҳуқуқ субъектилигидан маҳрум қилиши нафақат ўша гуруҳнинг ўзига, айти чоғда унинг раисларига, муассисларига ёки яқка тартибдаги аъзоларига

70 ИХЕС, 1 October 2009, *Kimlya and others v. Russia* [Кимля ва бошқалар Россияга қарши], Application nos. 76836/01 and 32782/03, para. 84

71 Вена, 1989, 16.3-банд.

72 ИХЕС, 1 October 2009, *Kimlya and Others v. Russia* [Кимля ва бошқалар Россияга қарши], Application nos. 76836/01 and 32782/03, para. 84; ИХЕС, 10 June 2010, *Jehova's Witnesses of Moscow and others v. Russia* [Москвадаги «Иегова гувоҳлари» ва бошқалар Россияга қарши], Application no. 302/02, para.101; ИХЕС, 17 February 2004, *Gorzelik and Others v. Poland* [Гожелик ва бошқалар Польшага қарши], Application no. 44158/98, para.52; ИХЕС, 1 July 1998, *Sidiropoulos and Others v. Greece* [Сидиропулос ва бошқалар Грецияга қарши], Application no. 26695/95, para. 31; Opinion on Legal Status of Religious Communities in Turkey and the Right of the orthodox Patriarchate of Istanbul to use the adjective «Ecumenical» [Туркиядаги диний жамоатларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисида ва Истанбул Православ руҳонийлигининг «экумен» атамасидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳақида хулоса], CDL-AD(2010)005, adopted by the Venice Commission at its 82nd Plenary Session (Venice, 12-13 March 2010), para. 6 & 9; Joint opinion on the draft law on freedoms of conscience and religion and on the laws making amendments and supplements to the criminal code, the administrative offences code and the law on the relations between the Republic of Armenia and the Holy Armenian Apostolic Church of the Republic of Armenia by the Venice Commission and the OSCE/ODIHR [Венеция комиссияси ва ЕХХТ ДИИХБнинг Виждон ва диний ташкилотлар эркинлиги тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳамда Жиноят кодекси, Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекс, шунингдек, Арманистон Республикаси билан Арманистон Республикасининг Муқаддас арман апостол черкови ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги қонунига тузатиш ва қўшимчалар киритилиши муносабати билан Қўшма битими], CDL-AD(2011)028, para. 64; ЕХХТ ДИИХБ ва Венеция комиссияси, Дин ёки эътиқодлар тўғрисидаги қонунчилик таҳлили бўйича тавсиянома, 2004 г. (кейинги ўринларда – Тавсиянома, 2004 й.), 8-банд.

хам тўғридан-тўғри дахл қилади<sup>73</sup>. Шундай қилиб, диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатларнинг ҳуқуқ субъектилиги эътироф этилишини рад қилиш дин ва эътиқод эркинлиги доирасида<sup>74</sup> ушбу ҳуқуқнинг ҳам жамоат, унинг якка тартибдаги аъзолари томонидан рўёбга чиқарилишига аралашиб сифатида тан олинган<sup>75</sup>.

20. Юридик шахс мақомига доир ҳуқуқ дин ва эътиқод эркинлигига бўлган ҳуқуқларни тўла рўёбга чиқариш учун жуда муҳимдир. Ҳуқуқ субъектилигига эришишнинг имкони бўлмаганда, жамоат ҳаётининг ушбу соҳага доир бир қатор муҳим жиҳатларини ташкиллаштириш мумкин бўлмай ёки ўта қийинлашиб қолади. Бу жиҳатлар қаторига банк ҳисоб-варақларидан фойдаланиш ва жамоатни, унинг аъзоларини ва мол-мулкни суд орқали ҳимоя қилишни таъминлаш<sup>76</sup>; диний иншоотларга доир мулк ҳуқуқининг ворисийлигини сақлаш; янги диний иншоотлар қуриш; конфессия мактаблари ва олий ўқув юртларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини таъминлаш; диний урф-одат ва маросимларда фойдаланиладиган нарса ва буюмларни кенг кўламда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш; ходимларни ишга қабул қилиш; оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ва улар ишини бошқариш<sup>77</sup> масалалари киради.

73 ИХЕС, 10 June 2010, Case of Jehovah's Witnesses of Moscow and others v. Russia [Москвадаги «Иегова гувоҳлари» ва бошқалар Россияга қарши], Application no. 302/02, para. 101; ИХЕС, 15 January 2009, Association of Citizens Radko and Paunkovski v. the former Yugoslav Republic of Macedonia [«Радко» фуқаролар уюшмаси ва Паунковский «собиқ Югос-лавиянинг Македония Республикаси»га қарши], Application no. 74651/01, para. 53; ИХЕС, 19 January 2006, The United Macedonian Organisation Ilinden and Others v. Bulgaria [«Илинден» македонлар уюшмаси ва бошқалар Бол-гарияга қарши], Application no. 59491/00, para.53; ИХЕС, 3 February 2005, Partidul Comunistilor (Nepeseristi) and Ungureanu v. Romania [Коммунистик гуруҳ ва Унгериану Руминияга қарши], Application no. 46626/99, para.27; ИХЕС, 31 August 1999, АПЕН Uldozotteinek Szovetsege and Others v. Hungary (Dec.) [АПЕХ Ильдзеттейнек Советшеге ва бошқалар Венгрияга қарши], Application no. 32367/96.

74 UN Human Rights Committee 21 October 2005, Sister Immaculate Joseph and 80 Teaching Sisters of the Holy Cross of the Third Order of Saint Francis in Menzingen of Sri Lanka v. Sri Lanka [Шри-Ланканинг « Менцингендаги авлиё Франциск Учинчи ордени муқаддас хочи» тақводор ҳамшираси Жозефа ва 80 нафар тарбиячи-ҳамширалар миссияси Шри-Ланкага қарши], communication 1249/2004, para. 7.2.

75 ИХЕС, 10 June 2010, Jehovah's Witnesses of Moscow and others v. Russia [Москвадаги «Иегова гувоҳлари» ва бошқалар Россияга қарши], Application no. 302/02, para. 101; ИХЕС, 31 July 2008, Religionsgemeinschaft der Zeugen Jehovas and Others v. Austria [«Иегова гувоҳлари» диний жамоати ва бошқалар Австрияга қарши], Application no. 40825/98 paras.79-80, и ИХЕС, 13 December 2001, Metropolitan Church of Bessarabia v. Moldova [Бессарабия митрополияси Молдовага қарши], Application no. 45701/99, para. 105.

76 ИХЕС, 10 June 2010, Jehovah's Witnesses of Moscow and others v. Russia [Москвадаги «Иегова гувоҳлари» ва бошқалар Россияга қарши], Application no. 302/02, para. 101; ИХЕС, 31 July 2008, Religionsgemeinschaft der Zeugen Jehovas and Others v. Austria [«Иегова гувоҳлари» диний жамоати ва бошқалар Австрияга қарши], Application no. 40825/98 paras.79-80, и ИХЕС, 13 December 2001, Metropolitan Church of Bessarabia v. Moldova [Бессарабия митрополияси Молдовага қарши], Application no. 45701/99, para. 105.

77 БМТ ММнинг «Эътироф этиш ҳақидаги маърузаси», 46-банд.

**Нидерландияда фуқаролик қонунчилиги** (хусусан, мулк ҳуқуқи) юридик шахсга жисмоний шахс билан бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларни тақдим этади. Хусусан, Фуқаролик кодексининг 2:5-моддасида қайд этилганидек, «Мулк ҳуқуқи борасида юридик шахс жисмоний шахсга тенгдир, қонунда кўзда тутилган бошқа ҳолатлар бундан мустасно».

Шундай қилиб, диний конфессиялар, (уюшма, жамғарма ёки алоҳида турдаги черков ташкилоти (*sui generis*) сифатида) осонгина юридик мақом олиши мумкин бўлган ҳолда, ҳуқуқий ҳаракатларни амалга ошириш, шу жумладан, судга мурожаат қилиш, шартномалар тузиш ва ердан фойдаланиш учун ариза бериш имкониятига эга бўлади. Бу жараёнда юридик шахслар қандайдир тоифаларга ажратилмайди; юридик шахснинг санаб ўтилган учта туридан бири шаклида ташкил этилган барча диний конфессиялар бундай юридик ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

21. Шу тариқа, мазкур Тавсияноманинг I қисмида қайд этилганидек, диний жамоат ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатга юридик шахс мақоми тақдим этилишининг ҳар қандай тарзда рад этилиши қатъий шартларга мувофиқ асосланган бўлиши зарур. Айни чоғда, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуққа кўра, диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатлар, мабодо юридик шахс мақомига эга бўлишни исташмаса, улар бунга мажбур этилмасликлари керак<sup>78</sup>. Ўз-ўзидан давлат рўйхатидан ўтиш учун мурожаат қилиш масаласининг ҳал этилиши диний эътиқод билан боғлиқ бўлиши мумкин, бинобарин, дин ёки эътиқод эркинлигига бўлган ҳуқуқни рўёбга чиқариш у ё бу гуруҳнинг юридик шахс мақоми олиш учун интилишига ёхуд шундай мақомни олганлигига

<sup>78</sup> БМТ ММнинг «Эътироф этиш ҳақидаги маърузаси», 70-банд: «Инсон ҳуқуқларининг умуминсоний аҳамиятга эғалигидан келиб чиқиб, давлатлар барча одамларнинг фикр, виждон, дин ёки эътиқодлар борасидаги ўз-ўзини англашини ҳурмат қилган ҳолда, уларнинг бу борадаги эркинликларини таъминлаши лозим. Дин ёки эътиқодлар эркинлигини инсон ҳуқуқлари сифатида ҳурмат қилиш маъмурий рўйхатга олиш жараёнларига боғлиқ эмас, чунки давлатнинг бунга розилиги олинишига қадар ва бундан қатъи назар, ушбу эркинликлар инсон ҳуқуқлари мақомига эга бўлган».

**Италияда** Фуқаролик кодексининг 36-38-моддаларига мувофиқ, диний жамоатлар «эътироф этилмаган уюшмалар» («associazione non riconosciuta») сифатида намоён бўлиш имкониятига эга. Бу сиёсий партиялар ва касаба уюшмалари ҳам фойдаланадиган жудда оддий усулдир.

Ушбу усулда жамоатлар юридик шахс мақомини олмаслигига қарамай, диний жамоат ўзининг таъсис ҳужжатлари ёки низомини бирон-бир давлат органига тақдим этиш заруратисиз, яъни тўла эркин шароитда ҳуқуқдорликка (жумладан, мулкий масалаларда мустақиллик, шунингдек, ихтиёрий хайр-эҳсонлар олиш ҳамда судга мурожаат қилиш ҳуқуқларига) эга бўлади.

Эътироф этилмаган уюшма ташкил этишнинг шартлари жудда оддий: атиги камида уч нафар аъзо, низом ва нотариал шаходатнома кифоядир.

**Эстонияда** рўйхатдан ўтмаган диний уюшмаларнинг фаолият кўрсатиши қонун билан тақиқланмаган. Бунда рўйхатдан ўтмаган тузилма учун асосий ноқулайлик шуки, у юридик шахс сифатида ўзини намоён этиш ҳуқуқига эга эмас, ўз-ўзидан, диний юридик шахсларга тақдим этиладиган ҳуқуқлар ва ҳимоядан ҳам фойдалана олмайди.

Шунга қарамай, бундай диний уюшма учун Конституция билан ҳимояланган (диний гуруҳ учун кўзда тутилган) диннинг жамоавий эркинлиги ҳуқуқи амал қилади. Рўйхатдан ўтмаган диний уюшмалар учун хусусий уй ёки ижарага олинган бинода диний йиғинлар ёхуд маросимлар ўтказиш борасида ҳеч қандай чекловлар мавжуд эмас. Қонунда фақат жамоатчилик тартибига, одамларнинг соғлиғига ёки жамият маънавиятига зиён етадиган ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузиладиган тақдирдагина, дин ва эътиқоднинг жамоавий эркинлигига нисбатан чекловлар қўлланиши кўзда тутилган.

**Германияда** уюшма ёки юридик шахснинг бошқа бирон-бир шаклида рўйхатдан ўтмаган диний уюшмалар бошқа юридик шахслар қатори рўйхатдан ўтмаган уюшмалар мақомига эга (рўйхатдан ўтмаган уюшмалар фаолияти ГФР Фуқаролик кодексининг 54-бўлими билан тартибга солинади).

Бундай уюшмалар нотижорат ўртоқликлар билан бир хил ҳуқуқлардан фойдаланади (Gesellschaftburgelichen Rechts) ва қисман ҳуқуқдор ҳисобланади; судлар амалиётда уларга нисбатан рўйхатдан ўтган уюшмалар тўғрисидаги низомларда кўзда тутилганига ўхшаш нормаларни кенг қўллайдилар.

Қоидага кўра, **Ирландияда** диний гуруҳлар (жамоатлар) ёки муайян эътиқодга амал қиладиган гуруҳлар (жамоатлар) юридик шахс мақомисиз ихтиёрий уюшмалар шаклида фаолият юритади. Юридик шахс мақомисиз уюшма ўхшаш қоидалар ва идентификацияланган миқдордаги аъзолар орқали ўзаро боғлиқ бўлган шахслар гуруҳидан иборатдир. Бундай уюшмаларнинг қоидаларида уюшмага аъзо бўлиш ва аъзолардан чиқиш тартиби; уюшма фаолиятини ва молиясини назорат қиладиган тузилма ё шахслар, шунингдек, ушбу назорат шартлари кўзда тутилади (қаранг: «О'Кифи Калленга қарши» (O'Keefe v. Cullen) (1873), (IR7 CL319) ва «Давлат (Колхун) д'Арсин ва бошқаларга қарши» (The State (Colquhoun) v. D'Arcy and Others) (1936), (IR 641) ишлари.

Умуман олганда, уюшма мол-мулки уюшманинг эмас, аъзоларининг қўшма мулки ҳисобланади. Юридик шахс мақомисиз уюшма ўз номидан судга мурожаат қила олмайди (ёки судда жавобгар бўлмайди). Бундай уюшмаларни рўйхатга олишга нисбатан ҳеч қандай талаблар мавжуд эмас.

22. Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатлар юридик шахс мақомини олишни истаган ҳолатларда ушбу имкониятга эга бўлишларини таъминлашнинг турли усуллари мавжуд. Айрим давлатларнинг ҳуқуқий тизимларида бу судлов жараёнлари ёрдамида таъминланади; бошқаларида бирон-бир давлат органига ариза бериш кўзда тутилган. Турли давлатлар диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатларга юридик шахс мақомининг ҳар хил, масалан, траст, корпорация, уюшма, жамғарма каби турларини ёки бўлмаса, диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатлар учун махсус кўзда тутилган юридик шахс мақомининг алоҳида (sui generis) шакллари тақдим этишлари мумкин.

**Қўшма Штатларда** нотижорат корпорация сифатида рўйхатдан ўтишда, диний уюшма таъсис шартномаси ва низомини қабул қилишга мажбур. Таъсис шартномасида ташкилотнинг тузилмаси, шу жумладан, унинг номланиши, манзили, рўйхатга оладиган орган тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, фаолиятнинг нотижорат мазмуни ва солиқ имтиёзлари учун асосномага доир ахборот ўз аксини топади. Низомда мазкур ташкилот фаолиятининг тартиб ва қоидалари белгилаб берилади; кўп ҳолларда унда Директорлар кенгашига аъзо бўлиш мезонлари ҳамда Директорлар кенгаши аъзосининг лавозимда бўлиш муддати; йиғилишларни ўтказиш вақти ва тартиби; шунингдек, масъул ходимларни тайинлаш тартиби батафсил баён этилади. Бу ҳужжат, умуман, мазкур ташкилот фаолиятини тартибга солиб туради.

Нотижорат корпорация мақомини олиш учун диний жамоат ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоат ана шу мақомни олиш бўйича тегишли давлат органига ариза бериши лозим. Шу билан бирга, Федерал солиқ хизматида №1023 ёки федерал кўламда солиқ тўламаслик мақомини олиш учун №1024 ҳужжат шаклини тўлдириши зарур. Аксарият ҳолларда бундай мақомга эга бўлганидан сўнг жамоат маҳаллий солиқлар ва штат солиқларини тўлашдан бевосита озод этилади.

**Собиқ Югославиянинг Македония Республикасида** Скопье II Асосий суди Черковлар, диний жамоатлар ва диний гуруҳларнинг ягона судлов реестрини юритиш ваколатига эга. Реестрга киритилган маълумотлар ҳамма учун очикдир. Ягона реестрга киритишларини сўраб бериладиган ариза бланкасининг шакли ва мазмунини Адлия вазирлиги белгилайди.

Давлат билан диний жамоатлар ўртасидаги муносабатларни назорат қиладиган давлат органи – Диний жамоатлар ва диний гуруҳлар билан муносабатлар бўйича комиссия – рўйхатга олинган черковлар, диний жамоатлар ва диний гуруҳлар каталогини юритади, лекин уларни рўйхатга олиш ваколатига эга эмас.

23. Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатлар юридик шахс мақомини олиш имконига эга бўлишини тартибга солиш учун қўлланиладиган тизимдан ва улар учун очик бўлган юридик шахс шаклларини ифодалашда ишлатиладиган конкрет атамалардан қатъи назар, бу борадаги миллий қонунчилик инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро



воситалар ва ЕХХТ мажбуриятларига мос келиши зарур<sup>79</sup>. Жумладан, бу шуни англатадики, диний жамоатлар ва муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатлар диний фаолиятни ва одатда рўйхатдан ўтган ҳуқуқнинг нодавлат субъектлари шуғулланадиган фаолиятни тўла қамровда амалга ошириш имкониятига эга бўлишлари шарт<sup>80</sup>.

24. Аксарият юридик ҳаракатлар фақат юридик шахс мақомига эга субъектлар томонидангина амалга оширилиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатлар бундай мақомни олиш имконияти тезкор, шаффоф, адолатли, инклюзив ва камситишдан ҳоли тарзда яратилиши лозим<sup>81</sup>.
25. Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатларга юридик шахс мақомини олиш имкониятини яратиш жараёнлари ҳеч қандай қийин талабларни кўзда тутмаслиги керак<sup>82</sup>. Халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан ўзини оқламаган бундай талаблар қаторида, шу жумладан, қўйидагиларни санаб ўтиш мумкин: рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги аризани диний ташкилотнинг барча аъзолари ўз исм-фамилиялари, туғилган сана ва

79 Диний ташкилотлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган ташкилотларни рўйхатга олишни тартибга солишни қонунлар рўйхати. **Қаранг:** Тавсиянома, 2004й., II.E (1) бўлим.

80 ИХЕС, 14 June 2007, *Svyato-Mikhailivska Parafiya v. Ukraine* [Свято-Михайловский приход против Украины], Application no. 77703/01, para. 123; Opinion on Act CCVI of 2011 on the right to freedom of conscience and religion and the legal status of churches, denominations and religious communities of Hungary [Венгриянинг 2011 йилда қабул қилинган Виждон ва динлар эркинлиги ҳамда черковлар, конфессиялар ва диний жамоатларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги қонуни муносабати билан битим, CCVI], CDL-AD(2012)004 para.30-35; Joint Opinion on the Law on Making Amendments and Addenda to the Law on the Freedom of Conscience and on Religious Organizations and on the Law on Amending the Criminal Code of the Republic of Armenia by the Venice Commission, the Directorate General of Human Rights and Legal Affairs of the Council of Europe, the OSCE/ODIHR Advisory Council on Freedom of Religion or Belief [Венеция комиссияси ва ЕХХТ ДИИХБнинг Виждон ва диний ташкилотлар эркинлиги тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳамда Жиноят кодекси, Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекс, шунингдек, Арманистон Республикаси билан Арманистон Республикасининг Муқаддас арман апостол черкови ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги қонунга тузатиш ва қўшимчалар киритилиши муносабати билан Қўшма битими], CDL-AD(2009)036, adopted by the Venice Commission at its 79th Plenary Session (Venice, 12-13 June 2009), para. 39.

81 БМТ ММнинг «Эътироф этиш ҳақидаги маърузаси», 54-банд; Opinion on the draft law Law on amendment and supplementation of Law no 02/L-31 on freedom of religion [Дин эркинлиги тўғрисидаги 02/L-31-сонли қонун лойиҳаси ҳақида хулоса], CDL-AD(2014)012, adopted by the Venice Commission at its 98th Plenary Session (Venice 21-22 March 2014), paras. 43ff.

82 Interim joint opinion on the law on making amendments and supplements to the law on freedom of conscience and religious organisations and on the laws on amending the criminal code; the administrative offences code and the law on charity of the Republic of Armenia by the Venice Commission and OSCE/ODIHR [Венеция комиссияси ва ЕХХТ ДИИХБнинг Виждон ва диний ташкилотлар эркинлиги тўғрисидаги қонун ҳамда Жиноят кодекси, Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексга, шунингдек, Арманистон Республикасининг Ҳомийлик тўғрисидаги қонунга тузатишлар киритилиши муносабати билан Даствлабки қўшма битими], CDL-AD(2010)054, para. 68; Opinion on the draft law Law on amendment and supplementation of Law no 02/L-31 on freedom of religion [Дин эркинлиги тўғрисидаги 02/L-31-сонли қонун лойиҳаси ҳақида хулоса], CDL-AD(2014)012, paras. 67ff.

яшаш манзилларини тўлиқ кўрсатган ҳолда имзолашлари шартлиги ҳақидаги талаб<sup>83</sup>; диний ташкилот низомида ниҳоятда батафсил маълумотлар қайд этилиши талаби<sup>84</sup>; ҳаддан ортиқ катта ёки мақсадга номувофиқ бўлган рўйхатга олиш тўлови; диний ташкилот тасдиқланган юридик манзилига эга бўлиши кераклигига доир талаб<sup>85</sup>; ёхуд диний уюшма ўз фаолиятини фақат унинг рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатларда кўрсатилган манзилдагина амалга ошириши мумкинлиги талаби<sup>86</sup>. Демократик жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро воситаларда санаб ўтилган асослар учун бундай чекловларнинг киритилишига зарурат йўқ. Шу билан бирга, юридик шахс мақомини олишдан манфаатдор бўлган диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатлар ортиқча бюрократик ғовларга дучор этилиши ёхуд узоқ ё номаълум муддатларга қадар кутиб қолиши мумкин эмас<sup>87</sup>. Юридик шахс мақоми учун мазкур ҳуқуқий тизимда рўйхатга олиш билан боғлиқ мўйян ҳужжатларнинг тақдим этилиши талаб этиладиган ҳолларда, бундай ҳужжатлар давлат органлари томонидан берилиши зарур<sup>88</sup>.

---

83 БМТ ММнинг «Эътироф этиш ҳақидаги маърузаси», 44-банд.

84 Joint opinion on the draft law on freedoms of conscience and religion and on the laws making amendments and supplements to the criminal code, the administrative offences code and the law on the relations between the Republic of Armenia and the Holy Armenian Apostolic Church of the Republic of Armenia by the Venice Commission and the OSCE/ODIHR [Венеция комиссияси ва ЕХҲТ ДИИХБнинг Виждон ва диний ташкилотлар эркинлиги тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳамда Жиноят кодекси, Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекс, шунингдек, Арманистон Республикаси билан Арманистон Республикасининг Муқаддас арман апостол черкови ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги қонунига тузатиш ва қўшимчалар киритилиши муносабати билан Қўшма битими], CDL-AD(2011)028, para. 66.

85 Human Rights Committee views of 26 July 2005, Sergei Malakhovsky and Alexander Pikul v. Belarus [Сергей Малаховский ва Александр Пиколь Беларусга қарши], Comm. no. 1207/2003, para. 7.6.

86 Joint opinion on the law on freedom of religious belief of the Republic of Azerbaijan by the Venice Commission and the OSCE/ODIHR [Венеция комиссияси ва ЕХҲТ ДИИХБнинг Озарбайжон Республикаси Диний эътиқод эркинлиги тўғрисидаги қонуни муносабати билан Қўшма битими], CDL-AD(2012)022, para. 80-82.

87 БМТ ММнинг «Эътироф этиш ҳақидаги маърузаси», 55-банд.

88 ИҲЕС, 17 июля 2012 й., Fusu Arcadie and others v. Moldova [«Фусу Аркади ва бошқалар Молдовага қарши»], Application no. 22218/06, para. 37-38.

**Нидерландияда** диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатлар учун уюшмалар ва жамғармалар мақомини олиш имконияти яратилгани билан бир қаторда, ҳуқуқий шахс мақомининг фақат черковларгина эга бўладиган яна бир алоҳида тури мавжуд. Фуқаролик кодексининг 2:2(1)-моддасида юридик шахс мақоми «черков жамоатлари» («Kerkgenootschappen») аталмиш жамоатларга тақдим этилиши кўзда тутилган. Фуқаролик кодексига бу тушунчага изоҳ берилмаган; шу боис унинг таърифини фақат суд прецедентлари ва ҳуқуқий доктринада топиш мумкин.

Кассация суди қарорига кўра, қонун бўйича, давлат томонидан расмий эътироф этилиши мажбурий бўлмаган диний ташкилотлар, агар қуйидаги талабларга жавоб берса:

- i. мазкур ташкилотнинг фаолияти динга алоқадор бўлса;
- ii. унда ташкилий тузилма мавжудлиги кузатилса;
- iii. ташкилот черков сифатида иш тутиш истагини билдираётган бўлса, бунда улар юридик шахс мақомига эга черков жамоатлари ҳисобланади. Бу минимал шартлар амалиётда жиддий тўсиқ бўлмайди.

26. Юридик шахс мақомини олиш жараёни ҳар қандай уюшмалар учун очиқ бўлиши лозим; бунда қандайдир жамоалар ноанъанавий ёки тан олинмаган динга риоя қиладигани ёхуд дин ёки эътиқод ниҳоятда тор мазмунда талқин қилиниши ё таърифланиши сабабли бу жараёндан ташқарида қолдирилишига йўл қўймаслик керак.
27. Бундан ташқари қонунчилик диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатларнинг юридик шахс мақомини олишини ниҳоятда кам сонли аъзоларга эга бўлишига боғлиқ қилиб қўймаслиги зарур. Давлатлар кичкина диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган кичкина жамоатларнинг эҳтиёжлари ҳисобга олиншини таъминлашлари<sup>89</sup>, шунингдек, ўта кам сонли аъзоларга эга бўлишга оид қоидалар яқинда тузилган диний жамоатлар фаолияти учун ноўрин қийинчиликлар туғдиришини тушунишлари даркор.

89 БМТ ММнинг «Эътироф этиш ҳақидаги маърузаси», 44-банд.

**Эстония** нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги қонунининг 5-моддасига мувофиқ, диний жамият таъсис этиш учун икки киши етарлидир.

**Албания** ҳуқуқ тизимида диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатлар учун албан қонунчилигида кўзда тутилган учта шаклдаги барча юридик шахслар аъзоларининг энг кам миқдорига нисбатан ҳеч қандай талаблар мавжуд эмас.

**Швеция** Фуқаролик кодексида фақат уюшма кенгаши таркибига кирадиган аъзолар сонига нисбатан талаб мавжуд бўлиб, одатда, улар уч нафардан – беш нафаргача кишидан иборат бўлиши зарур.

28. Қонунчилик мамлакатдаги муайян жамоатнинг узоқ вақт давомида мавжудлиги талабини юридик шахс мақомини олиш мезонларидан бири сифатида тақдим этмаслиги лозим. Бундай талаб ушбу давлатда яқинда пайдо бўлган диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатлар ҳуқуқларини асоссиз равишда чеклашга олиб келади<sup>90</sup>.
29. Мазкур давлатнинг фуқароси бўлмаган шахслар ҳам дин ёки эътиқод эркинлигидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканини ҳисобга олиб<sup>91</sup>, қонунчилик жамоат таъсисчилари орасида хорижликлар<sup>92</sup> ё фуқаролиги бўлмаган шахслар мавжудлиги ёхуд унинг қароргоҳи чет элда жойлашганлиги<sup>93</sup> ҳолатлари асосида диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатларга уларнинг юридик шахс мақомини олишини рад этмаслиги керак.
30. Хусусан, ҳар қандай диний жамоат ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатнинг юридик шахс мақомини олиши бошқа диний жамоатлар ёки

90 ИҲЕС, 1 October 2009, *Kimlya v. Russia* [Кимля Россияга қарши], Application nos. 76836/01 and 32782/03.

91 Joint opinion on the law on freedom of religious belief of the Republic of Azerbaijan by the Venice Commission and the OSCE/ODIHR [Венеция комиссияси ва ЕҲҲТ ДИИҲБнинг Озарбайжон Республикасти Диний эътиқод эркинлиги тўғрисидаги қонуни муносабати билан Қўшма битими], CDL-AD (2012)022, para. 99; Opinion on Act CCVI of 2011 on the right to freedom of conscience and religion and the legal status of churches, denominations and religious communities of Hungary [Венгриянинг 2011 йилда қабул қилинган Виждон ва динлар эркинлиги ҳамда черковлар, конфессиялар ва диний жамоатларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги қонуни муносабати билан битим, CCVI], CDL-AD (2012)004, para. 93.

92 ИҲЕС, 5 October 2006, *Moscow Branch of the Salvation Army v. Russia* [«Армии спасения»нинг Москва бўлими Россияга қарши], Application no. 72881/01, para. 82.

93 Ўша жойда, paras. 83-85.

муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатлар томонидан маъқулланиши ёхуд ижобий тавсия берилишига боғлиқ бўлмаслиги лозим, чунки ушбу жамоатга юридик шахс мақомини тақдим этиш масаласи бошқа жамоатларнинг ваколатига кирмайди<sup>94</sup>. Давлат органи бошқа диний жамоатларга (ташкилотларга) юридик шахс мақомини бериш тўғрисидаги аризалар билан боғлиқ масалаларда бир ёки ундан ортиқ диний жамоат ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоат фикрини сўраши амалиёти, ўз навбатида, тегишли давлат органлари ва мансабдор шахсларининг ҳолислиги ҳамда бетарафлигини шубҳа остида қолдиради<sup>95</sup>.

31. Давлат юридик шахс мақомини тақдим этиш бўйича ўз мажбуриятини бажарар экан, диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатларнинг мустақиллигини ҳурмат қилиши лозим<sup>96</sup>. Давлат юридик шахс мақомини олишга доир жараёнларни амалга оширишда ўз зиммасидаги мажбуриятларни бажариши, хусусан, диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатларнинг ўз раҳбарлари<sup>97</sup>, ички тартиб-қоидалари<sup>98</sup>,

94 ИҲЕС, 24 June 2004, Vergos v. Greece [Вергос Грецияга қарши], Application no. 65501/01, para. 34; БМТ ММнинг «Эътироф этиш ҳақидаги маърузаси», 56-банд.

95 ИҲЕС, 26 September 1996, Manoussakis v. Greece [Мануссакис Грецияга қарши], Application no. 18748/91, para. 47.

96 Joint Opinion on the Law on Freedom of Religious Belief of the Republic of Azerbaijan by the Venice Commission and the OSCE/ODIHR [Венеция комиссияси ва ЕХТ ДИИХБнинг Озарбайжон Республикасти Диний эътиқод эркинлиги тўғрисидаги қонуни муносабати билан Қўшма битими], CDL-AD(2012)022, para. 72; Opinion on the Draft Law regarding the Religious Freedom and the General Regime of Religions in Romania [Руминияда дин эркинлиги ва дин бўйича умумий режимга нисбатан қонун лойиҳаси тўғрисида Венеция комиссиясининг 64-ялли мажлисида қабул қилинган хулоса], CDL-AD (2005)037, para. 20; Opinion on the Draft Law on the insertion of amendments on Freedom of Conscience and Religious Organisations in Ukraine [Украинанинг «Эътиқод эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунига қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонуни муносабати билан хулоса], CDL-AD(2006)030, para.30; Тавсиянома, 2004й., Г бўлим.

97 ИҲЕС, 22 January 2009, Case of Holy Synod of the Bulgarian Orthodox Church (Metropolitan Inokentiy) and others v. Bulgaria [Болгар православ церковининг Муқаддас синоди (митрополит Иннокентий) ва бошқалар Болгарияга қарши], Application nos. 412/03 and 35677/04.para. 118-121; см. ИҲЕС, 14 March 2003, Serif v. Greece [Сериф Грецияга қарши], Application no. 38178/97, paras. 49, 52 and 53; ИҲЕС, 26 October 2000, Hasan and Chaush v Bulgaria [Ҳасан ва Чауш Болгарияга қарши], Application no. 30985/96, paras.62 and 78; ИҲЕС, 13 December 2001, Metropolitan Church of Bessarabia v. Moldova [Бессарабия митрополияси Молдовага қарши], Application no. 45701/99, paras.118 and 123; ИҲЕС, 16 December 2004, Supreme Holy Council of the Muslim Community v. Bulgaria [Болгария мусулмонлар иттифоқи Олий муқаддас кенгаши Болгарияга қарши], Application no. 39023/97, para. 96.

98 Joint Opinion on the Law on Freedom of Religious Belief of the Republic of Azerbaijan by the Venice Commission and the OSCE/ODIHR [Венеция комиссияси ва ЕХТ ДИИХБнинг Озарбайжон Республикасти Диний эътиқод эркинлиги тўғрисидаги қонуни муносабати билан Қўшма битими], CDL-AD(2012)022, para. 76.

этиқодининг туб маъно-мазмуни<sup>99</sup>, жамоат тузилмаси ва руҳонийларни тайинлаш усуллари<sup>100</sup>, шунингдек, уларнинг номланиши ҳамда бошқа рамзлари билан боғлиқ масалаларни мустақил ҳал қилишлари борасида миллий қонунчиликда белгиланган ҳуқуқларини таъминлаши зарур. Хусусан, давлат диний ташкилотларнинг моҳияти ва низомига батафсил (одатдаги расмиятчиликдан ташқари) баҳо беришдан тийилиши керак<sup>101</sup>. Диний жамоатлар ёки муайян этиқодга амал қиладиган жамоатлар ўзлари учун амалиётда танлашлари мумкин бўлган ташкилий шаклларнинг ўта хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда, миллий қонунчилик бу борада имкон қадар мослашувчан бўлиши зарур<sup>102</sup>.

**Польша Конституцияси (25.1-модда) ва «Дин эркинлиги кафолатлари тўғрисида»ги қонунида диний ташкилотлар ўз функцияларини бажариш асносида, тегишли бошқа масалалар қатори, қуйидаги фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқига эгаллиги қайд этилган:**  
 диний назария, ақида ва расм-русумларни белгилаш;  
 диний расм-русумларни уюштириш ва оммавий ибодатларни адо этиш;

99 Interim joint opinion on the law on making amendments and supplements to the law on freedom of conscience and religious organisations and on the laws on amending the criminal code; the administrative offences code and the law on charity of the Republic of Armenia by the Venice Commission and OSCE/ODIHR [Венеция комиссияси ва ЕХХТ ДИИХБнинг Виждон ва диний ташкилотлар эркинлиги тўғрисидаги қонун ҳамда Жиноят кодекси, Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексга, шунингдек, Арманистон Республикасининг Ҳомийлик тўғрисидаги қонунига тузатишлар киритилиши муносабати билан Даствлабки қўшма битими], CDL-AD(2010)054, paras. 54 and 90. Opinion on the draft law on the legal status of a church, a religious community and a religious group of «The former Yugoslav Republic of Macedonia» [«Собиқ Югославиянинг Македония Республикаси» черковлар, диний жамоатлар ва диний гуруҳларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги қонуни лойиҳаси юзасидан хулоса], CDL-AD(2007)005, adopted by the Venice Commission at its 70th Plenary Session (Venice, 16-17 March 2007), para. 46.

100 БМТ ММнинг «Эътироф этиш ҳақидаги маърузаси», 56-банд.

101 Joint opinion on the law on freedom of religious belief of the Republic of Azerbaijan by the Venice Commission and the OSCE/ODIHR [Венеция комиссияси ва ЕХХТ ДИИХБнинг Озарбайжон Республикасти Диний этиқод эркинлиги тўғрисидаги қонуни муносабати билан Қўшма битими], CDL-AD(2012)022, para. 80.

102 Opinion on Act CCVI of 2011 on the right to freedom of conscience and religion and the legal status of churches, denominations and religious communities of Hungary [Венгриянинг 2011 йилда қабул қилинган Виждон ва динлар эркинлиги ҳамда черковлар, конфессиялар ва диний жамоатларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги қонуни муносабати билан битим, CCVI], CDL-AD(2012)004, para. 39; Joint Opinion on Freedom of Conscience and Religious Organizations in the Republic of Kyrgyzstan by the Venice Commission and OSCE/ODIHR Advisory Council on Freedom of Religion or Belief [Венеция Комиссияси ва ЕХХТ ДИИХБ Экспертлар кенгашининг Қирғизистон Республикаси Этиқод эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонуни муносабати билан қўшма хулосаси], CDL-AD (2008)032, para. 33.

руҳонийлар иштирокида диний ваъзхонликларни амалга ошириш;  
 ўз қоидалари асосида ўзини ўзи бошқариш (юримдик мухторият);  
 руҳонийларни тайинлаш, ўқитиш ва ишга қабул қилиш;  
 кўчар ва кўчмас мулк эгаси бўлиш ва уларни бошқариш;  
 диний эътиқодга тааллуқли нарса-буюмларни ишлаб чиқариш, харид  
 қилиш ва истифода этиш;  
 оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;  
 маърифий фаолият билан шуғулланиш;  
 хайрия фаолиятини амалга ошириш;  
 давлат даражасида черковлараро ташкилотлар тузиш;  
 халқаро диний ташкилотлар сафига кириш.

32. Ҳар қандай диний жамоат ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатга ҳуқуқ субъектилиги тақдим этилишининг рад қилиниши ёхуд унинг бу ҳуқуқдан маҳрум этилиши тўғрисидаги қарор I қисмда баён этилган қатъий мезонларга мувофиқ равишда асосланган бўлиши керак<sup>103</sup>. Диний жамоат ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатга ҳуқуқ субъектилиги тақдим этилишининг рад қилиниши ёхуд унинг бу ҳуқуқдан маҳрум этилиши тўғрисидаги қарорда бундай қарорнинг қабул қилинишига олиб келган сабабларни кўрсатиш тақозо этилади<sup>104</sup>. Бундай изоҳ аниқ ва тушунарли

103 ИХЕС, 10 June 2010, Case of Jehovah's Witnesses of Moscow and others v. Russia [Москвадаги «Иегова гувоҳлари» ва бошқалар Россияга қарши], Application no. 302/02, para. 102; ИХЕС, 31 July 2008, Religionsgemeinschaft der Zeugen Jehovas and Others v. Austria [«Иегова гувоҳлари» диний жамоати ва бошқалар Австрияга қарши], Application no. 40825/98 para.66, ИХЕС, 13 December 2001, Metropolitan Church of Bessarabia v. Moldova [Бессарабия митрополияси Молдовага қарши], Application no. 45701/99, para.118; ИХЕС, 3 April 2008, Koretsky and Others v. Ukraine [Корецкий ва бошқалар Украинага қарши], no. 40269/02, para.40, and Canea Catholic Church v. Greece [Канеа католиклар черкови Грецияга қарши], 16 December 1997, para. 30 and 40-41; Тавсиянома, 2004й., 9-банд.

104 Joint opinion on the draft law on freedoms of conscience and religion and on the laws making amendments and supplements to the criminal code, the administrative offences code and the law on the relations between the Republic of Armenia and the Holy Armenian Apostolic Church of the Republic of Armenia by the Venice Commission and the OSCE/ODIHR [Венеция комиссияси ва ЕХХТ ДИИХБнинг Виждон ва диний ташкилотлар эркинлиги тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳамда Жиноят кодекси, Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекс, шунингдек, Арманистон Республикаси билан Арманистон Республикасининг Муқаддас арман апостол черкови ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги қонунга тузатиш ва қўшимчалар киритилиши муносабати билан Қўшма битими], CDL-AD(2011)028, para. 38.

бўлиши шарт<sup>105</sup>. Бу, ўз навбатида, апелляция ҳуқуқини (қуйидаги 35-моддага қаранг) амалга оширишни енгиллаштиради.

**Эстонияда**, Черковлар ва жамоатлар тўғрисидаги қонуннинг 14(3)-моддасига мувофиқ, у ёки бу диний уюшмани реестрга киритиш рад этилган тақдирда, рўйхатга олувчи орган (суд) рад этиш сабабини ёзма равишда кўрсатишга мажбур.

Черковлар ва жамоатлар тўғрисидаги қонуннинг 14(2)-моддасига мувофиқ, диний уюшма қуйидаги асосларга кўра реестрга киритилмайди:

- 1) мазкур диний уюшма тақдим этган низомлар ва бошқа ҳужжатлар қонун талабларига жавоб бермаса;
- 2) мазкур диний уюшманинг фаолияти жамоатчилик тартибига, соғлиққа, маънавиятга зиён етказадиган ёки бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган бўлса.

33. Муайян диний жамоат ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатга ҳуқуқ субъектилиги тақдим этилишининг рад қилиниши унинг мақомига, молиялаштирилиши ва фаолият юритишига узоқ муддат давомида салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини ҳисобга олиб, бу каби ҳар қандай қарорларнинг қабул қилинишига фақат охириги чора сифатида қаралиши даркор<sup>106</sup>. Айни чоғда жамоатчилик тартибига хавф соладиган жиддий ва такрорий қоидабузарликлар содир этилган тақдирда ҳамда

105 *Jehova's Witnesses of Moscow and Others v. Russia* [Москвадаги «Свидетели Иеговы» ва бошқалар Россияга қарши], Application no. 302/02, 10 June 2010, para. 175; Opinion on ActCCVI of 2011 on the right to freedom of conscience and religion and the legal status of churches, denominations and religious communities of Hungary [Венгриянинг 2011 йилда қабул қилинган Виждон ва динлар эркинлиги ҳамда черковлар, конфессиялар ва диний жамоатларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги қонуни муносабати билан битим, CCVI], CDL-AD(2012)004, para. 38; Joint Opinion on the Law on Making Amendments and Addenda to the Law on the Freedom of Conscience and on Religious Organizations and on the Law on Amending the Criminal Code of the Republic of Armenia by the Venice Commission, the Directorate General of Human Rights and Legal Affairs of the Council of Europe, the OSCE/ODIHR Advisory Council on Freedom of Religion or Belief [Венеция комиссияси ва ЕХХТ ДИИХБнинг Виждон ва диний ташкилотлар эркинлиги тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳамда Жиноят кодекси, Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекс, шунингдек, Арманистон Республикаси билан Арманистон Республикасининг Муқаддас арман апостол черкови ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги қонунга тузатиш ва қўшимчалар киритилиши муносабати билан Қўшма битими], CDL-AD(2009)036, para. 29.

106 Joint Opinion on the Law on Freedom of Religious Belief of the Republic of Azerbaijan by the Venice Commission and the OSCE/ODIHR [Венеция комиссияси ва ЕХХТ ДИИХБнинг Озарбайжон Республикасти Диний эътиқод эркинлиги тўғрисидаги қонуни муносабати билан Қўшма битими], CDL-AD(2012)022, paras. 93-94.



бошқа жазо чораларини самарали қўллаш имкони бўлмаган вазиятда – ammo мазкур Тавсияноманинг I қисмида баён этилган барча шартларга рия қилинган ҳолдагина бундай қадам жўяли ҳисобланиши мумкин. Акс ҳолда, қоидага кўра, мутаносиблик ва субсидиарлик принциплари бузилади<sup>107</sup>. Бу принципларга жавоб бериши учун қонунчиликда бир қанча энгилроқ жазолар, масалан, огоҳлантириш, жаримага тортиш ёки солиқ имтиёзларидан маҳрум қилиш чоралари кўзда тутилган бўлиши керакки, уларни қоидабузарликнинг оғир-енгиллигига қараб, жамоатни юридик шахс мақомидан маҳрум этишга доир масала кун тартибига қўйилишидан олдин қўллаш тақозо этилади<sup>108</sup>.

**Нидерландиянинг** фуқаролик қонунчилигида («Тақиқланган юридик шахслар тўғрисида»ги Фуқаролик кодекси) юридик шахсларни, шу жумладан, юридик шахс мақомига эга диний жамоатларни тугатишга доир масала қўйидаги тартибда ҳал этилади:

«2:20-модда. Юридик шахснинг суд томонидан тақиқланиши

- 1. Агар юридик шахснинг фаолияти жамоатчилик тартибига зид бўлса, округ суди бундай юридик шахсни давлат прокуратурасининг сўрови бўйича тақиқлаш ва тугатишга мажбур.
- 2. Агар юридик шахснинг таъсис шартномасида баён этилган мақсадлари (вазифалари) жамоатчилик тартибига (ordre public) зид бўлса, округ суди бундай юридик шахсни давлат прокуратурасининг сўрови бўйича тугатишга мажбур. Бундай тугатишдан олдин, округ суди мазкур юридик шахсга мақсадларини (вазифаларини) жамоатчилик тартиби талабларига мувофиқ ҳолга келтириш учун муайян муддат белгилаши мумкин». (...)  
«2:21-модда. Юридик шахснинг суд томонидан тугатилиши (...)
- 2. Агар округ суди юридик шахсга қонун талабларини бажариш учун муайян муддат белгилаган бўлса ва агар мазкур юридик шахс бу талабларни белгиланган муддатда бажарган бўлса, у ҳолда мазкур суд бундай юридик шахсни тугатишдан тийилади (...)

107 Opinion on the draft law on freedom of Religion, religious organisations and mutual relations with the state of Albania [Албанияда дин, диний ташкилотлар эркинлиги ва давлат билан муносабатлар тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида хулоса], CDL-AD(2007)041, adopted by the Venice Commission at its 73rd Plenary Session (Venice, 14-15 December 2007), para. 48.

108 ИХЕС, 8 October 2009, Tebieti Mühafize Cemiyeti and Israfilov v. Azerbaijan [«Тебиети Мюхафизе Жемиети» ва Исрафилов Озарбайжонга қарши], Application no. 37083/03, para.82; ИХЕС, 10 June 2010, Jehovah's Witnesses of Moscow and others v. Russia [Москвадаги «Иегова гувоҳлари» ва бошқалар Россияга қарши], Application no.302/02, para. 159.

34. Диний ташкилот ёки муайян эътиқодга амал қиладиган ташкилотнинг ҳуқуқ субъектиликдан маҳрум қилиниши бундан кейин ушбу диний жамоат ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоат ё унинг алоҳида аъзолари ўз дин ва эътиқод эркинлигига бўлган ҳуқуқидан ёхуд инсоннинг бошқа ҳуқуқлари ва асосий эркинликларидан фойдаланмайди, деган маънони зинҳор англамаслиги керак. Бундай жамоатларнинг ўз асосий ҳуқуқларидан маҳрум этилиши, ҳаттоки бундай ташкилотларнинг тақиқланиши тўғрисида қарор қабул қилиниши ҳам уларга аъзо бўлган барча инсонларнинг диний ҳаётини оғир оқибатларга дучор этиши мумкин; шунинг учун у ёки бу диний жамоатнинг бирон-бир аъзоси йўл қўйган интизомсизлик туфайлигина мазкур жамоат йўлига тўсиқ қўйишдан ёки унинг фаолиятини тугатишдан сақланиш лозим. Бундай чоралар адолат бўйича аниқ шахс ўз қилмиши учун ўзи жавоб бериши тақозо этилган ўринларда жамоатга ялписига жамоавий жазо чораси қўлланилганини англатади. Шундай қилиб, диний ташкилотнинг алоҳида етакчилари ёки аъзолари содир этган ҳар қандай қоидабузарлик масаласи бўйича айнан шу қоидабузарликни содир этган шахслар (жамоат ялписига эмас ёки унинг бошқа аъзолари ҳам эмас) жиноят, маъмурий ёки фуқаролик қонунчилиги асосида жавобгарликка тотилиши зарур<sup>109</sup>.
35. Умуман олганда, юридик шахс мақомига даъво қилиш учун асосларга эга бўлган диний жамоат ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатга бундай мақом тақдим этилиши рад қилинишига (ёхуд унинг бундай мақомдан маҳрум этилишига) доир қарорлардан ҳуқуқий ҳимояланишнинг самарали воситасини миллий даражада таъминлаш тақозо этилади<sup>110</sup>. Давлатлар инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқда – масалан, ФСХПнинг 2(3)-моддасида, шунингдек, ИХЕКнинг 6(1)-моддаси ва 13-моддасида баён этилган бир қанча стандартларнинг амалда бажарилишини таъминлаш бўйича умумий мазмундаги мажбуриятга эга бўлиб, бу мажбурият шахслар

109 Interim joint opinion on the law on making amendments and supplements to the law on freedom of conscience and religious organisations and on the laws on amending the criminal code; the administrative offences code and the law on charity of the Republic of Armenia by the Venice Commission and OSCE/ODIHR [Венеция комиссияси ва ЕХХТ ДИИХБнинг Виждон ва диний ташкилотлар эркинлиги тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳамда Жиноят кодекси, Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекс, шунингдек, Арманистон Республикаси билан Арманистон Республикасининг Муқаддас арман апостол черкови ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги қонунига тузатиш ва қўшимчалар киритилиши муносабати билан Қўшма битими], CDL-AD(2010)054, para. 99; Joint Opinion on the Law on Freedom of Religious Belief of the Republic of Azerbaijan by the Venice Commission and the OSCE/ODIHR [Венеция комиссияси ва ЕХХТ ДИИХБнинг Озарбайжон Республикаси Диний эътиқод эркинлиги тўғрисидаги қонуни муносабати билан Қўшма битими], CDL-AD(2012)022, para. 92.

110 ИХЕС, 27 February 2007, Biserica Adevarat Ortodoxa Din Moldova and others v. Moldova [Молдовадаги «Ҳақиқий Православ Черкови» ва бошқалар Молдовага қарши], Application no. 952/03, para. 49-54.

ва жамоатларнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлаш заруратини назарда тутадиги, натижада суд уларга ҳуқуқий ҳимояланишнинг самарали воситасини тақдим этишга мажбурдир. Шундай қилиб, диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатлар ўзларининг рўйхатдан ўтиш (қаердаки бу жоиз бўлса)<sup>111</sup>, шунингдек, апелляция ҳуқуқи<sup>112</sup> тўғрисидаги аризалари тезлик билан ҳал қилиниши ҳуқуқига эгадир. Юридик шахс мақомини тақдим этиш тизимидаги фарқланишлардан (жумладан, бу борадаги бирламчи қарорни суд қабул қилиши ҳамда бу вазифа билан маъмурий органлар шуғулланиши каби турлича ҳолатлардан) қатъи назар, ҳамиша судга мурожаат қилиш ҳуқуқини ва тегишли қарорларнинг талаб даражасида ҳамда самарали равишда кўриб чиқишига эришишни таъминлаш зарур. Бу принцип, юридик шахс мақоми тўғрисидаги қарорни мустақил суд қабул қиладими ёки бирон-бир маъмурий органми, бундан қатъи назар амал қилаверади; кейинги ҳолатда қарор қабул қилиниши билан боғлиқ якуний назорат мустақил ва ҳолис суд томонидан амалга оширилиши, бунда янада юқори инстанцияларга шикоят билан чиқиш ҳуқуқи таъминланиши шарт<sup>113</sup>.

111 ИҲЕС 31, July 2008, Religionsgemeinschaft der Zeugen Jehovas and Others v. Austria [«Иегова гувоҳлари» диний жамоати ва бошқалар Австрияга қарши], Application no. 40825/98, paras. 78-80; Opinion on Act CCVI of 2011 on the right to freedom of conscience and religion and the legal status of churches, denominations and religious communities of Hungary [Венгриянинг 2011 йилда қабул қилинган Виждон ва динлар эркинлиги ҳамда черковлар, конфессиялар ва диний жамоатларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги қонуни муносабати билан битим, CCVI], CDL-AD(2012)004, para. 44.

112 Opinion on Act CCVI of 2011 on the right to freedom of conscience and religion and the legal status of churches, denominations and religious communities of Hungary [Венгриянинг 2011 йилда қабул қилинган Виждон ва динлар эркинлиги ҳамда черковлар, конфессиялар ва диний жамоатларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги қонуни муносабати билан битим, CCVI], CDL-AD(2012)004, para. 80; Joint Opinion on Freedom of Conscience and Religious Organizations in the Republic of Kyrgyzstan by the Venice Commission and OSCE/ODIHR Advisory Council on Freedom of Religion or Belief [Венеция Комиссияси ва ЕХХТ ДИИҲБ Экспертлар кенгашининг Қирғизистон Республикаси Эътиқод эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонуни муносабати билан қўшма ҳулосаси], CDL-AD(2008)032, para. 31; Opinion on Act CCVI of 2011 on the right to freedom of conscience and religion and the legal status of churches, denominations and religious communities of Hungary [Венгриянинг 2011 йилда қабул қилинган Виждон ва динлар эркинлиги ҳамда черковлар, конфессиялар ва диний жамоатларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги қонуни муносабати билан битим, CCVI], CDL-AD(2012)004, para.82.

113 Opinion on Act CCVI of 2011 on the right to freedom of conscience and religion and the legal status of churches, denominations and religious communities of Hungary [Венгриянинг 2011 йилда қабул қилинган Виждон ва динлар эркинлиги ҳамда черковлар, конфессиялар ва диний жамоатларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги қонуни муносабати билан битим, CCVI], CDL-AD (2012)004, paras. 82-83.

**Испанияда** рўйхатга олиниши рад этилган диний жамоатлар ихтиёрида ҳуқуқий ҳимояланишнинг қуйидаги воситалари мавжуд:

- 1) маъмурий йўл билан ҳимояланиш воситаси – Адлия вазирлигига мурожаат қилиш;
- 2) судлов орқали ҳуқуқий ҳимояланиш воситаси – Миллий юқори судга (Audiencia Nacional) мурожаат қилиш;
- 3) Испания Олий судига мурожаат қилиш (агар, аризачининг фикрича, Миллий юқори судда камчиликларга йўл қўйилган бўлса);
- 4) махсус процедура доирасида Конституциявий судга асосий ҳуқуқлари ҳимояси учун мурожаат қилиш.

**Молдова Республикасида**, Фуқаролик процессуал кодекс қоидаларига мувофиқ, давлат органларига нисбатан даъво кўриб чиқилишидан олдин даъвогарлар ушбу низони носудлов йўл билан ҳал этишга ҳаракат қилишлари шарт. Биринчи навбатда тегишли вазирликка ариза бериш зарур, шундан сўнг, 30 кун давомида жавоб олинмаган ёки қониқарсиз жавоб олинган ҳолларда даъвогар судга мурожаат қилиши мумкин. Агар даъвогар биринчи босқич судининг қароридан қониқмаса, у ҳолда Апелляция судига, кейин эса Молдова Олий судига мурожаат қилиши мумкин.

36. Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатларнинг ҳуқуқ субъектилиги мақомини олишини тартибга соладиган тизимга янги қоидалар киритиладиган ҳолларда, ўтиш даври билан боғлиқ, мавжуд жамоатларнинг ҳуқуқларини кафолатлайдиган зарур қоидалар кўзда тутилиши керак<sup>14</sup>. Қачонки, қонунлар тескари кучга эга бўлса ёхуд диний ташкилот ёки муайян эътиқодга амал қиладиган ташкилот эга бўлган ҳуқуқларни (масалан, янги ўрнатилган мезонларга кўра, юридик шахс мақомини олиш учун қайтадан ариза бериш тўғрисидаги талаб муносабати билан) ҳимоя қила олмаса, давлат бундай чекловлар мазкур Тавсияноманинг I қисмида баён этилган мезонларга мос эканини кўрсатиб беришга мажбур. Хусусан, давлат мавжуд қонунчиликка ўзгартиришлар киритишнинг ҳолис ва асосли сабабларини кўрсатиши, шунингдек, таклиф этилаётган қонунлар дин ёки эътиқод эркинлигига бўлган ҳуқуқни рўёбга чиқаришга фақат ана шу тилга олинган асосли сабаблар туфайли ўта зарур

114 БМТ ММнинг «Эътироф этиш ҳақидаги маърузаси», 57-банд.

ҳоллардагина маълум аралашувни кўзда тутишини исботлаб беришга мажбур. Янги қоидалар олдинги юридик шахсга тегишли бўлган мулк ҳуқуқини бошқага ўтказишни талаб қиладиган бўлса, диний ташкилотлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган ташкилотлар мулкни бошқага ўтказиш ё бошқа тўловларни тўлаш борасида керагидан ортиқ миқдордаги ҳамда камситиш мазмунидаги солиқларга тортилиши мумкин эмас.

37. Давлатлар юқорида қайд этилган ҳуқуқ ва принципларнинг ўз миллий ҳуқуқ тизимига – қонунлари, норматив талаблари, амалиёти ва/ёки сиёсатига самарали равишда татбиқ этилишини таъминлашлари лозим<sup>115</sup>. Бундан ташқари, давлатлар диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатларга юридик шахс мақомини тақдим этишга алоқадор мансабдор шахслар ва давлат органлари дин ёки эътиқод эркинлиги бўйича халқаро стандартларга тааллуқли принципларни ўрганишини ҳамда уларга мувофиқ фаолият юртишини таъминлашлари зарур.

---

115 Маастрихт, 2003, 9-банд: [Вазирлар кенгаши] «Шахснинг динга амал қилиш ва дин ёки эътиқодларга яқка ҳолда ё бошқалар билан биргаликда риоя этишини транспарент ва камситишларсиз қонунлар, қонун ҳужжатлари, қоидалар, амалиёт ва сиёсат воситасида таъминлаш ҳамда рағбатлантириш мажбуриятини ўз зиммасига олади».

**Латвияда** Рўйхатга олиш бюроси юридик шахс мақомини олиш тўғрисидаги аризаларни маъмурий иш юритиш қоидалари доирасида кўриб чиқади. Маъмурий-процессуал қонуннинг 4-моддаси, 1-бандига мувофиқ, бунда ҳуқуқнинг умумий принциплари, жумладан, қуйидагилар қўлланилади:

- *Инсон ҳуқуқларига риоя этиш тамойили*, унга биноан давлат муассасаси қарор қабул қилишда мазкур шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш заруратидан келиб чиқиши лозим;
- *Одил судлов ҳуқуқи*, унга биноан давлат муассасаси қонунда белгиланган ваколатлари доирасида иш кўриши ва бу ваколатларидан фақат уларнинг мазмуни ҳамда мақсадига мос даражадагина фойдаланиши керак;
- *Қонунни оқилона қўллаш тамойили*, унга биноан давлат муассасаси қонунни юридик талқиннинг умумий услубларидан фойдаланган ҳолда қўллаши, бунда энг асосли ва таъсирчан натижаларга эришиш мақсадини кўзда тутиши зарур;
- *Ўзбошимчалик билан қарорлар қабул қилинишини тақиқлаш тамойили*, унга биноан маъмурий ҳужжат фақат қарор қабул қилиш учун зарур далилларга, шунингдек, ҳуқуқий тартибнинг холисона ва оқилона нуқтаи назарларига таяниши шарт;
- *Қонунийлик тамойили*, унга биноан давлат муассасаси фақат Конституция, қонунчилик ва/ёки халқаро ҳуқуқ асосида қарорлар қабул қилиши мумкин;
- *Мутаносиблик тамойили*, унга биноан давлат муассасаси қонунни қўллаш асносида тегишли маъмурий ҳужжатнинг мазкур шахсга зиён етказадиган даражада қўлланилаётгани демократик жамиятда йўл қўйиладиган заруратга қанчалик мослигини ҳисобга олишга мажбур;
- *Процессуал адолатлилик тамойили*, унга биноан давлат муассасаси қарорлар қабул қилишда одил бўлишга ва музокара иштирокчиларига ўз нуқтаи назарини баён этиши ҳамда далилларини тақдим қилиши учун оқилона имконият беришга, шунингдек, муайян аниқ иш бўйича холислигига асосли равишда шубҳа билдирилиши эҳтимоли мавжуд мансабдор шахснинг қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этмаслигини таъминлашга мажбур.

#### **IV ҚИСМ.**

Диний жамоатлар  
(ташкилотлар) ёки муайян  
эътиқодга амал қиладиган  
жамоатлар (ташкилотлар)  
учун имтиёзлар

38. Давлатлар диний жамоатлар (ташкilotлар) ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатларга (ташкilotларга) бир қанча имтиёзлар бериши мумкин. Масалан, молиявий субсидиялар, диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатлар фойдасига солиқ тўловларидан чегирмалар ёки давлатнинг ахборот тарқатувчи ташкilotларига аъзолик тақдим этилиши шулар жумласига кириши мумкин<sup>16</sup>. Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатлар олдига қўшимча талаблар қўйилишига фақат уларга шундай имтиёзлар тақдим этилган ҳоллардагина йўл қўйилади – ва бунда тегишли талаблар мутаносиб ва камситиш мазмунидан ҳоли бўлиши шарт.

**Қўшма Штатларда** нотижорат диний муассасалар кўплаб

имтиёзларга эга бўлиб, қуйидагилар шулар жумласига киради:

- i. одатда, корпорацияларга тақдим этиладиган барча имтиёзлар – хусусан, судлов иши қўзғатиш, шартномавий муносабатларда қатнашиш ва ердан фойдаланишга рухсат этилиши тўғрисида ариза бериш ҳуқуқи;
- ii. хайр-эҳсонларга нисбатан солиқ чегирмаси;
- iii. корпоратив даромадни солиқлардан озод этиш;
- iv. аксарият ҳолларда – савдо-сотик солиғидан озод этиш;
- v. 250 тадан ортиқ почта жўнатмалари юборилаётганда почта тўловлари бўйича чегирма;
- vi. ташкilot номидан амалиётларни бажарадиган директор ва ходимлар учун чеклан масъулият;
- vii. давлатдан ва хусусий грантлар олиш имконияти.

**Германияда** Савдо-сотик солиғи тўғрисидаги қонуннинг

(Gewerbesteuer-gesetz) 3§, 6-бандига мувофиқ, оммавий-ҳуқуқий корпорациялар сифатида рўйхатдан ўтган диний жамоатлар савдо-сотик солиғидан қисман озод этилади. Корпорациялар, шахслар ва мулклар уюшмалари, агар ўзларининг низомлари ёки таъсис ҳужжатларига кўра, шунингдек, амалий иш юритишида фақат ва бевосита диний мақсадларни кўзласа, савдо-сотик солиғидан озод этилади. Ушбу имтиёз улар тижорат корхоналари (қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳаларидаги корхоналар бундан мустасно) фаолиятини бошқариши билан боғлиқ ҳолатларга тааллуқли эмас.



39. Давлатлар жамоатларга бу каби имтиёзларни беришлари мумкин, аммо бунда ушбу имтиёзлар ҳеч қандай камситишларсиз тақдим этилишини ва қўлланишини ҳам таъминлашлари лозим<sup>117</sup>. Бунинг учун тегишли муҳит холисона ва оқилона асосда яратилиши, яъни қонуний мақсадга хизмат қилиши ва сарфланадиган маблағлар билан кўзда тутиладиган мақсадлар ўзаро мутаносиб бўлиши зарур<sup>118</sup>.
40. Хусусан, давлат билан муайян диний жамоат ўртасида битим мавжуд бўлиши ё имзоланиши ёхуд тегишли жамоатга нисбатан алоҳида имтиёзлар муҳити ўрнатадиган қонун мавжудлиги, холис ёндашганда, дин ёки эътиқодга хос белгилар бўйича камситишнинг мавжуд эмаслиги ҳуқуқига зид келмайди, айни чоғда, бунда – алоҳида имтиёзлар муҳитини яратиш учун холисона ва оқилона асослар мавжуд бўлиши ҳамда бошқа диний жамоатларга ҳам улар истаган тақдирда худди шундай битимлар туза олишлари борасида имконият очилиши шарт<sup>119</sup>. Битимлар ва қонунчиликда турли динларнинг муайян мамлакат ва жамият тарихи шаклланишида тутган ўрни ҳамда айни пайтдаги тарихий аҳамияти эътироф этилиши мумкин<sup>120</sup>. Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатларга нисбатан турли хил муҳит яратилгани, ўз навбатида, бу айрим жамоатларга қонун бўйича алоҳида (сезиларли имтиёзларни кўзда тутадиган) мақом тақдим этилишига, бундай алоҳида мақомга эга бўлмаган бошқа диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатларга эса ана шу имтиёзларнинг берилмаслигига олиб келади; – мазкур давлат барча диний гуруҳларга, қандай алоҳида мақомга эгалигидан қатъи назар, ҳуқуқ субъектилиги тақдим этиладиган тизим барпо этган тақдирдагина – бундай ҳолатлар дин ёки эътиқодга хос белгилар бўйича камситишнинг мавжуд эмаслиги ҳуқуқига зид келмаслиги мумкин. Бундай мақомни олишни истайдиган барча диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатлар тегишли тартибда аризалар беришда тенг имкониятларга эга

117 БМТ ММнинг «Эътироф этиш ҳақидаги маърузаси», 61-банд; ИХЕС, 25 September 2012, *Jehovas Zeugen in Österreich v. Austria* [«Иегова гувоҳлари» Австрияга қарши], Application no. 27540/05, para. 32; Тавсиянома, 2004 й., Е (2)-банд.

118 ИХЕС, 9 December 2010, *Savez Crkava «Rijec Zivota» and others v. Croatia* [«Ҳаёт Сўзи» черковлар кенгаши ва бошқалар Хорватияга қарши], Application no. 7798/08, para. 86; ИХЕС 16 March 2010, *Orsus and Others v. Croatia* [Оршув ва бошқалар Хорватияга қарши], Application no. 15766/03, para. 156.

119 ИХЕС, 9 December 2010, *SavezCrkava «RijecZivota» and others v. Croatia* [«Ҳаёт Сўзи» черковлар кенгаши ва бошқалар Хорватияга қарши], Application no. 7798/08, para. 85; ИХЕС 10 December 2009, *Koppi v. Austria* [Коппи Австрияга қарши], Application no. 33001/03, para. 33.

120 Тавсиянома, 2004 й., II бўлим. Б (3)-банд.

бўлишлари лозим; бундай ҳуқуқ субъектиликни олиш учун ўрнатилган мезонлар эса камситмайдиган мазмунда бўлиши зарур<sup>121</sup>.

41. Муайян дин давлат дини сифатида эътироф этилгани ё расмий ёки анъанавий дин деб эълон қилинганига доир далил ёхуд мазкур динга эргашувчилар аҳолининг катта қисмини ташкил этгани билан боғлиқ вазият алоҳида мақомга эга бўлиш учун фақат тегишли шароитдагина мақбул асос сифатида хизмат қилиши мумкин; яъни бу инсоннинг ҳар қандай ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари амалга оширилишига зиён етказмаслиги, бошқа динларга эргашувчилар ёки ҳеч қандай динга риоя этмайдиган шахсларга нисбатан камситишларга олиб келмаслиги шарт<sup>122</sup>. Хусусан, ҳеч қандай динга риоя этмайдиган шахсларга нисбатан камситишларга олиб келадиган айрим чоралар (масалан, давлат хизматига ишга кириши мумкин бўлган шахслар доирасининг давлат дини ё етакчи динга эргашувчилар билан чекланганлиги ёки уларга иқтисодий енгилликлар берилиши ёхуд бошқа эътиқодга риоя қилинишига нисбатан махсус чекловлар ўрнатилиши) дин ёки эътиқодга тегишли белгилар бўйича камситишларни тақиқлайдиган қоидаларга зид ҳамда тенг ҳуқуқий ҳимоя кафолатларини таъминламайди<sup>123</sup>.
42. Мазкур ҳужжатнинг I ва II қисмларида кўзда тутилган ҳуқуқларни, шу жумладан, бошқалар билан ҳамжиҳатликда дин ёки эътиқодга риоя этиш эркинлиги ҳамда юридик шахс мақомини олишга бўлган ҳуқуқни имтиёз сифатида эмас, балки дин ёки эътиқод эркинлигининг асосий қисмларидан бири бўлган ҳуқуқ сифатида қабул қилиш тақозо этилади<sup>124</sup>. Хусусан, юқорида қайд этилганидек, юридик шахс мақомига бўлган ҳуқуқни суиистеъмол қилган ҳолда, уни дин ёки эътиқод эркинлигини

121 ИХЕС, 10 December 2009, *Koppi v. Austria* [Коппи против Австрии], Application no. 33001/03, para. 92; Opinion on act CCVI of 2011 on the right to freedom of conscience and religion and the legal status of churches, denominations and religious communities of Hungary [Венгриянинг 2011 йилда қабул қилинган Виждон ва динлар эркинлиги ҳамда черковлар, конфессиялар ва диний жамоатларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги қонуни муносабати билан битим, CCVI], CDL-AD (2012)004, para. 46.

122 БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмитаси, Умумий тартибдаги изоҳлар № 22, 9-банд; *Observations on the final draft Constitution of the Republic of Tunisia* [Тунис Республикаси Конституциясининг якуний лойиҳаси юзасидан изоҳлар ], CDL-AD (2013)034, adopted by the Venice Commission at its 96th Plenary Session (Venice, 10-11 October 2013), para. 27.

123 БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмитаси, Умумий тартибдаги изоҳлар № 22, 9-банд; *Observations on the final draft Constitution of the Republic of Tunisia* [Тунис Республикаси Конституциясининг якуний лойиҳаси юзасидан изоҳлар], CDL-AD(2013)034, adopted by the Venice Commission at its 96th Plenary Session (Venice, 10-11 October 2013), paras. 27-37.

124 БМТ ММ, 30-банд: «Давлат ҳар бир инсоннинг дин ёки эътиқод эркинлигини ажралмас, демакки чеклаш мумкин бўлмаган ҳуқуқ даражасида ҳурмат қилишга мажбур, бинобарин ҳар қайси инсон унга хос инсонийлик кадр-қимматига муносиб равишда халқаро ҳуқуқда ҳуқуқдорлик мақомига эгадир».

рўёбга чиқаришга интилаётган алоҳида шахслар ё жамоатлар ҳуқуқларини чеклаш воситаси сифатида қўллаш мумкин эмас; бундай восита уларнинг тегишли мақомни олиш имкониятини рўйхатдан ўтиш тартибига ёки шу каби чекловларга боғлиқ қилиб қўяди. Бошқа томондан қараганда, юридик шахс мақомини олиш имконияти иложи борича кўп миқдордаги жамоатлар учун очиқ бўлиши лозим ва бунда бирон-бир жамоат, ноанъанавий ё тан олинмаган дин ёки эътиқоднинг тарафдори деган асосга таяниб, бундай очиқлик имкониятидан маҳрум этилмаслиги керак. Юридик шахс мақомини тақдим этишда, тартиб нуқтаи назаридан, турлича муносабатларнинг мавжудлиги фақат муайян ҳолларда – агар бундай муносабатлар учун холисона ва оқилона асослар мавжуд бўлса, агар бу каби фарқлашлар жамоатлар (кам сонли) ва улар аъзоларининг дин ёки эътиқод эркинлигига бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқаришига номутаносиб даражада таъсир кўрсатмаса ҳамда агар бундай жамоатларнинг юридик шахс мақомини олиш тартиблари ҳаддан ортиқ қийин ҳисобланмаса – бундай муносабатлар камситмаслик тамойилига тўғри келиши мумкин<sup>125</sup>.

---

125 Opinion on the draft Law on amendment and supplementation of Law no 02/L-31 on freedom of religion [Дин эркинлиги тўғрисидаги 02/L-31-сонли қонун лойиҳаси ҳақида хулоса], CDL-AD (2014)012, paras. 41-67.



Илова

## **ЕХҲТнинг дин ёки эътиқод эркинлиги соҳасидаги мумтоз мажбуриятлари**

**Хельсинки, 1975 йил.** (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: 1(a) аъзо-давлатлар ўзаро муносабатларида амал қиладиган Принциплар декларацияси – VII принцип):

«Аъзо-давлатлар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини, шу жумладан, ирқи, жинси, тили ва динидаги фақлардан қатъи назар, барча учун фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлигини ҳурмат қиладилар».

(...)

«Ушбу ҳадлар доирасида аъзо-давлатлар шахснинг виждон амрига кўра ўз дини ёки эътиқодига яқка ўзи, шунингдек, бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини эътироф этади ва ҳурмат қиладилар».

**Хельсинки, 1975 йил.** (Инсонпарварлик ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик):

«Аъзо-давлатлар (...) тасдиқлайдиларки, аъзо-давлатларнинг конституциялари доирасида фаолият юритадиган диний жамоат, муассаса ва ташкилотлар ҳамда уларнинг вакиллари ўз фаолиятлари соҳасида ўзаро алоқалар, учрашувлар ва ахборот алмашинувларини амалга оширишлари мумкин».

**Мадрид, 1983 йил.** (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: Принциплар):

«Аъзо-давлатлар (...) тасдиқлайдиларки, улар шахснинг виждон амрига кўра ўз дини ёки эътиқодига яқка ўзи, шунингдек, бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини эътироф этадилар, ҳурмат қиладилар, шунингдек, бу эркинликни таъминлаш учун зарур чораларни кўришга розилик билдирадилар. Бу йўналишда улар, зарурат бўлган барча ҳолатларда, ўз мамлакатларининг конституциялари доирасида фаолият юритадиган диний жамоат, муассаса ва ташкилотлар ҳамда уларнинг вакиллари билан маслаҳатлашув уюштирадилар. Улар ўз давлатларининг конституциялари доирасида ўз динларига эътиқод қиладиган, риоя этадиган ёки риоя этишга шай бўлган диндорлар уюшмаларининг мамлакатда диний жамоат, муассаса ва ташкилотлар учун кўзда тутилган мақом тақдим этилиши бўйича илтимосларини хайрихоҳлик билан кўриб чиқадилар».

**Вена, 1989 йил.** (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: Принциплар):

«(11) (Аъзо-давлатлар) тасдиқлайдиларки, улар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини, шу жумладан, ирқи, жинси, тили ва динидаги фарқлардан қатъи назар, барча учун фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлигини ҳурмат

қиладилар. Улар, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари ялпи, умуминсоний аҳамиятга эгаллигини, уларни ҳурмат қилиш бошқа барча давлатлар қатори аъзо-давлатлар ўртасида ҳам дўстона муносабатлар ва ўзаро ҳамкорлик ривожини таъминлаш учун зарур бўлган тинчлик, адолат ва хавфсизликнинг муҳим омили эканини тасдиқлайдилар».

(...)

«(16) шахснинг (...) дин ёки эътиқодга риоя этиш эркинлигини таъминлаш мақсадида, аъзо-давлатлар бошқа масалалар қатори, қуйидагиларни амалга оширадилар:

(16.1) – шахс ё уюшмаларнинг дин ёки эътиқод негизида камситилишининг олдини олиш ва бундай ҳолатларга барҳам бериб, шу асосда фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини эътироф этиш, рўёбга чиқариш ва улардан фойдаланиш ҳамда эътиқоддилар ва эътиқодсизлар ўртасида ҳақиқий тенгликни таъминлаш бўйича самарали чораларни кўрадилар;

(16.2) – турли диний уюшмалар диндорлари, шунингдек, эътиқоддилар ва эътиқодсизлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик муҳитини яратишга кўмаклашадилар;

(16.3) – ўз давлатларининг конституциялари доирасида ўз динларига эътиқод қиладиган, риоя этадиган ёки риоя этишга шай бўлган диндорлар уюшмаларининг мамлакатда улар учун кўзда тутилган мақом тақдим этилиши бўйича илтимосларини қаноатлантирадилар;

(16.4) – диний уюшмаларнинг ушбу ҳуқуқларини ҳурмат қиладилар:

сажда қилиш ва йиғилишлар ўтказиш учун эркин имкониятлар берадиган жойларни ташкил этиш ва сақлаш,

ўз иерархияси ва ташкилий тузилмасига мувофиқ равишда уюшиш,

ўзларининг тегишли талаб ва стандартларига, шунингдек, давлат билан ўрталарида эркин асосда эришилган ҳар қандай келишувларга мувофиқ ҳолда ходимларини сайлаш, тайинлаш ва алмаштириш,

ихтиёрийлик асосида молиявий ва бошқа хил хайр-эҳсонлар сўраш ва олиш;

(16.5) – диний эркинлик талабларини янада чуқурроқ англаш мақсадида диний жамоат, муассаса ва ташкилотлар билан маслаҳатлашувларга киришиш;

(16.6) – ҳар кимнинг ўзи танлаган тилда, якка тартибда ёки бошқалар билан биргаликда диний таълимни ўрганиш ва ўргатиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш;

(16.7) – шу маънода ота-оналарнинг фарзандларига ўз эътиқодига мувофиқ ҳолда диний ва ахлоқий тарбия берилишини таъминлаш эркинлигини ҳурмат қилиш;

(16.8) – тегишли таълим муассасаларида диний ходимларни тайёрлашга рухсат этиш;

(16.9) – диндорлар ва диний уюшмаларнинг ўзлари танлаган тилдаги муқаддас китоблар ва диний нашрларни харид қилиш ҳамда улардан фойдаланиш, дин

ёки эътиқодига риоя этишларига тааллуқли бошқа буюм ва нарсаларга эга бўлиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш;

(16.10) – диний жамоат, муассаса ва ташкилотларга диний нашр ва материалларни ишлаб чиқариш, четдан олиб келиш ҳамда тарқатишга рухсат этиш;

(16.11) – диний уюшмаларнинг ижтимоий мулоқотларда иштирок этиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш билан боғлиқ қизиқишларига хайрихоҳ муносабатда бўлиш.

(17) Аъзо-давлатлар юқорида тилга олинган, дин ёки эътиқод эркинлигига тааллуқли ҳуқуқларнинг рўёбга чиқарилишида фақат қонунда ўрнатилган ва уларнинг халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятлари ҳамда халқаро мажбуриятларига мутаносиб бўлган чекловларгагина йўл қўйилиши мумкинлигини тан оладилар. Улар ўз қонунлари ва маъмурий қоидаларида ҳамда ушбу ҳужжатларнинг қўлланиши асносида фикр, виждон, дин ёки эътиқод эркинлиги тўла ва самарали равишда рўёбга чиқарилишини таъминлайдилар».

(...)

«(32) Улар диндорлар, диний жамоатлар ва уларнинг вакилларига гуруҳ тарзида ёки якка тартибда дин ва эътиқод масалалари бўйича алоҳида шахслар ва жамоатлар билан ўз мамлакатларида, шунингдек, бошқа мамлакатларда алоқалар ўрнатиш ва бу алоқаларни сафарлар, зиёратлар ва йиғилишлар ҳамда бошқа диний тадбирларда иштирок этиш орқали изчил давом эттириш учун рухсат берадилар. Шу маънода, диний жамоатлар ва уларнинг вакилларига, тилга олинган худди шундай алоқалар ва тадбирларга мос равишда, ўз дин ёки эътиқодига риоя этишларига тааллуқли диний нашрлар ҳамда бошқа буюм ва нарсаларни харид қилиш, қабул қилиб олиш ва ўзи билан олиб юриш учун рухсат этилади».

### **Копенгаген, 1990 йил:**

«Аъзо-давлатлар тасдиқлайдиларки, (...)

(9.4) – ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ва таълимот, тоат-ибодат қилиш ва диний расм-русум ҳамда маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ёки эътиқодига якка ўзи, шунингдек, бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади. Ушбу ҳуқуқларни рўёбга чиқаришда фақат қонунда кўзда тутилган ва халқаро стандартларга жавоб берадиган чекловларгагина йўл қўйилади».

(...)

(32) (...) Миллий озчиликларга мансуб шахслар ўзларининг этник маданиятини, тил ё дин билан боғлиқ ўзига хосликларини барча жиҳатларда, ўз хоҳиш-иродасига зид равишда бирлаштириб юборилишига қаратилган қандайдир



тазйиқларга дучор бўлмасдан, эркин ифода этиш, асраб-авайлаш ва ривожлантириш ҳуқуқига эгадир. Хусусан, улар қуйидаги ҳуқуқларга эга (...)  
(32.3) – ўз динига риоя этиш, шу жумладан, диний материалларни харид қилиш, уларга эга бўлиш ва улардан фойдаланиш ҳамда таълим соҳасида ўз она тилида диний фаолият олиб бориш».

(...)

(33) Аъзо-давлатлар ўз ҳудудларида миллий озчиликларнинг этник, маданий, тил ва дин билан боғлиқ ўзига хосликларини ҳимоя қиладилар ҳамда бу ўзига хос хусусиятларни рағбатлантириш учун шароит яратадилар. Шу мақсадда улар тегишли маслаҳатлашувларни амалга ошириш, жумладан, бундай озчиликларнинг ташкилотлари ёки уюшмалари билан алоқалар ўрнатиш борасида, ҳар қайси давлатнинг қарорлар қабул қилиш тартиб-тамойилларига мувофиқ ҳолда, зарур чораларни кўрадилар.

Бу каби ҳар қандай чоралар тегишли аъзо-давлатларнинг бошқа фуқароларига нисбатан тенглик ва камситмаслик принципларига мувофиқ бўлиши тақозо этилади.

**Будапешт, 1994 йил.** (Қарорлар: VIII. Инсонийлик мезонлари):

«27. (Аъзо-давлатлар) ўзларининг виждон ва дин эркинлигини таъминлаш ҳамда диндорларнинг турли жамоатлари, шунингдек, диндорлар ва динсизлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик муҳитини пайдо қилишга кўмаклашиш борасидаги мажбуриятини яна бир бор тасдиқлар экан, динлардан тажовузкор миллатчилик мақсадларида фойдаланилаётганидан ташвишда эканликларини билдирадилар».

**Маастрихт, 2003 йил.** (Қарорлар: Қарор №4/03 «Бағрикенглик ва камситмаслик»):

«9. (Вазирлар кенгаши) Фикр, дин, виждон ва эътиқод эркинлигининг муҳимлиги ҳақида баёнот беради ҳамда ҳар қандай, шу жумладан, бирон-бир диний гуруҳ ёки алоҳида диндорга қарши камситиш ва зўравонликни қоралайди. Шахснинг динга амал қилиш ва дин ёки эътиқодга яқка ҳолда ё бошқалар билан биргаликда риоя этишини транспарент ва камситишларсиз қонунлар, қонун ҳужжатлари, қоидалар, амалиёт ва сиёсат воситасида таъминлаш ҳамда рағбатлантириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Аъзо-давлатларга кўмак учун ДИИХБга ҳамда унинг дин ва эътиқод эркинлиги бўйича экспертлар гуруҳига мурожаат қилишни тавсия этади».

**Киев, 2013 йил.** (Қарор №3/13 «Фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлиги»):

«Вазирлар кенгаши (...):

Аъзо-давлатларни қуйидагиларга даъват этади:

- ЕХХТ доирасида қабул қилинган фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлигига тааллуқли мажбуриятларни тўла ҳажмда бажариш;
- инсонларнинг ўз дини ёки эътиқодига амал қилиш ҳуқуқини ва яқка ўзи, шунингдек, бошқалар билан бирга ўз дини ёки эътиқодига риоя этиш, шунингдек, ўз дини ёки эътиқодига тааллуқли таълимот, тоат-ибодат, диний расм-русум ҳамда маросимларни амалга оширишини, хусусан, транспарент ва камситишларсиз қонунлар, қоидалар, амалиёт ва сиёсий йўл-йўриқлар орқали таъминлашга доир мажбуриятларини тўла ҳажмда бажариш;
- хусусий шахслар ва диний уюшмаларнинг диний ибодатларни амалга оширишлари ёки ўз эътиқодига риоя қилишларига нисбатан ЕХХТ доирасидаги сиёсий мажбуриятлари ва халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларига номутаносиб бўлган чекловлар жорий этишдан тийилиш;
- очиқ ва транспарент конфессиялараро ҳамда динлараро мулоқотни ва шериклик алоқаларини рағбатлантириш ва енгиллаштириш;
- дин ва эътиқод негизидаги, жумладан, насронийлар, яҳудолар, мусулмонлар ва бошқа динлар тарафдорларига, шунингдек, динсизларга қарши қаратилган муросасизлик, зўравонлик ва камситишларнинг олдини олишга интилиш, диний негиздаги зўравонлик ва камситишларни қоралаш ҳамда фикр, дин ва эътиқод нуқтаи назаридан кишиларга ва шахслар гуруҳларига қарши тажовузларнинг олдини олишга ҳаракат қилиш ҳамда уларни бундай тажовузлардан ҳимоя этиш;
- диний ҳамжамиятлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган ҳамжамиятлар жамоатчилик билан қонун ижодкорлиги ташаббусларини муҳокама қилиш жараёнига ўз вақтида жалб этилишига кўмаклашиш;
- диний ҳамжамиятлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган ҳамжамиятлар билан давлат органлари ўртасидаги мулоқотни, зарур ҳолларда, ибодат жойлари ва диний мол-мулкдан фойдаланишга доир масалалар бўйича ҳам амалга оширишга кўмаклашиш;
- шахслар, шунингдек, диний ҳамжамиятлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган ҳамжамиятлар, шу билан бирга динсизларга қарши қаратилган
- давлатнинг мансабдор шахслари томонидан ўз хизмат мажбуриятларини бажариш асносида йўл қўйиладиган – камситишларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича самарали чораларни кўриш;
- ибодат жойлари ва диний иншоотлар, қабристонлар ва муқаддас зиёратгоҳларни ҳурмат қилиш, уларни ваҳшийларча оёқ ости қилиниши ҳамда вайрон этилишидан ҳимоялашга қаратилган маърифий сиёсат олиб бориш».

## ДИИХБ ҳақида

Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси – ЕХХТнинг сайловлар, инсон ҳуқуқлари ва демократлаштириш масалалари билан шуғулланадиган махсус институтидир.

Бош қароргоҳи Польша пойтахти Варшавада жойлашган ДИИХБ қуйидаги йўналишларда фаолият олиб боради:

- демократик сайлов жараёнларига – сайловларни ҳар томонлама кузатиб бориш, аҳолининг кенг иштирокида самарали вакиллик демократиясини янада ривожлантириш мақсадида сайлов ўтказишга кўмаклашиш бўйича лойиҳаларни татбиқ этиш орқали кўмаклашиш;
- ЕХХТ аъзо-давлатларига уларнинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларини бажаришларига – ҳуқуқ устуворлиги, фуқаролик жамияти ва демократик бошқарувни кучайтиришга қаратилган узоқ муддатли дастурларни амалга ошириш йўли билан демократик институтларни мустаҳкамлаш мақсадида экспертлик кўмаги ва амалий кўмак тақдим этиш орқали ёрдам бериш;
- ЕХХТнинг жойлардаги миссияларига инсонийлик мезонлари соҳасидаги ўз мажбуриятларини бажаришларида, хусусан, ўқитиш, қонунчилик бўйича маслаҳатлар бериш, тажриба алмашиш ва минтақавий даражада мувофиқлаштириш йўли билан кўмаклашиш;
- ЕХХТ аъзо-давлатларининг инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлари бажарилишини мониторинг қилиш орқали эҳтимолий низоларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишга кўмаклашиш; давлат ҳокимияти органлари ходимлари, фуқаролик жамияти институти вакиллари ва ЕХХТ ходимларини инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича мунтазам ўқитиш;
- ЕХХТ аъзо-давлатларига бағрикенглик ва камситишларга қарши курашиш борасидаги мажбуриятларини бажаришларига кўмаклашиш, шунингдек, ирқий мансублиги, тана ранги, жинси, тили, дини ёки эътиқоди, сиёсий ёхуд бошқа қарашлари, миллий ё ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ, табақавий ёки бошқа хил ҳолатлари билан боғлиқ белгилари асосида нафратланиш ва тоқатсизлик кўрсатиш заминидagi жиноятларнинг олдини олиш борасида уларнинг амалга ошираётган тадбирларини ҳамда бундай ҳолатларга қарши қаратилган таъсир чораларини қўллаб-қувватлаш;
- рома ва синти масалалари бўйича ЕХХТнинг Мулоқот маркази вазифасини бажариш; рома ва синти гуруҳларининг улар яшаётган жамиятларга тўлиқ интеграциялашишига ёрдам бериш;

- инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларнинг бажарилишига доир масалалар бўйича мунтазам кенгашлар – хусусан, Инсонийлик мезонларига бағишланган мажбуриятларнинг бажарилишини кўриб чиқиш бўйича кенгашни ташкил қилиш; ҳар йили Инсонийлик мезонлари бўйича семинар ва Инсонийлик мезонлари бўйича қўшимча кенгашларни ўтказиб бориш;
- гендер стратегиясини рўёбга чиқариш, бунда комплекс гендер ёндашувни таъминлаш бўйича ўз сиёсати ва саъй-ҳаракатларини ишлаб чиқиш ва мослаштириб бориш билан бир қаторда ЕХХТ минтақасида хотин-қизлар аҳволини яхшилашга йўналтирилган чораларни амалга ошириш.

## **Экспертлик салоҳияти**

Инсон ҳуқуқлари ва демократлаштиришга тааллуқли сертармоқ масалалар орасида, ДИИХБнинг экспертлик салоҳияти ва фаолияти асосан қуйидаги соҳаларга йўналтирилган: демократик сайловлар, ЕХХТ аъзо-давлатларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятлари бажарилишини мониторинг қилиш, рома ва синти масалалари, террорчиликка қарши кураш жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, дин ёки этник эркинлиги, фуқаролик жамияти, бир жойдан иккинчи жойга кўчиш эркинлиги, ҳуқуқ устуворлиги, гендер тенглик ҳамда муросасизлик ва камситишларга қарши курашиш.

## Венеция комиссияси тўғрисида

**Европанинг ҳуқуқ орқали демократия сари комиссияси** мажлислари Венецияда ўтказилади ва шунинг учун у «Венеция комиссияси» номи билан кўпроқ машҳурдир. Венеция комиссияси Европа Кенгашининг конституциявий масалалар бўйича маслаҳатлашув органи ҳисобланади.

Венеция комиссиясининг **вазифалари** аъзо-давлатларга, хусусан, ўз ҳуқуқий ва институционал тузилмаларини демократия, инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқ устуворлиги соҳасидаги европача стандартлар ва халқаро тажрибага мувофиқлаштиришга интилаётган давлатларга ҳуқуқий маслаҳатлар беришдан иборат.

Шу билан бирга, Комиссия низоларни ҳал қилишда алоҳида роль ўйнаб, умумий конституциявий меросни кенг ёйиш ва мустаҳкамлашга кўмаклашади ҳамда демократияга ўтишни амалга ошираётган давлатларга «тез конституциявий ёрдам» кўрсатади.

Комиссияга **59 давлат аъзо** бўлиб, шундан 47 таси Европа Кенгашининг аъзо-давлатлари, 12 таси бошқа мамлакатлардир (АҚШ, Бразилия, Жазоир, Исроил, Корея Республикаси, Марокко, Мексика, Перу, Тунис, Чили, Қирғизистон, Қозоғистон). Венеция комиссиясининг ялпи мажлисларида Европа комиссияси ва ЕХҲТ ДИИХБ иштирок этади.

Венеция комиссиясининг **якка тартибдаги аъзолари** таркибига университетларнинг давлат ва халқаро ҳуқуқ масалалари билан шуғулланадиган профессорлари; олий ва конституциявий судлар судьялари; миллий парламентлар депутатлари ва давлатларнинг бир қатор мансабдор шахслари киради. Аъзо-давлатлар ушбу шахсларни тўрт йил муддатга сайлайди, аммо улар Комиссия таркибида хусусий шахслар сифатида фаолият юритадилар. 2009 йил декабрь ойдан буён Венеция комиссиясининг раиси Жанни Букиккио ҳисобланади.

- Комиссия **учта йўналишда** иш олиб боради:
- демократик институтлар ва асосий ҳуқуқлар;
- конституциявий одил судлов ва одатий одил судлов тизими;
- сайловлар, референдумлар ва сиёсий партиялар.

Комиссиянинг **Доимий котибияти** Страсбургда (Франция), Европа Кенгаши қароргоҳида жойлашган.

Комиссиянинг ялпи мажлислари Венецияда (Италия), «Скуола Сан-Жованни Эвангелиста» («Scuola Grande di San Giovanni Evangelista») биносида йилига тўрт марта (март, июнь, октябрь ва декабрда) ўтказилади.